Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

2007-yil, 25-aprel, chorshanba, 17 (400)-son.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД ИЗДОШЛАРИ

Юртимизда азалдан шаклланган, сайқал топиб келаётган миниатюра санъати анъаналарини давом эттираётган, таъбир жоиз бўлса авлодларга етказаётган миниатюрачи-рассомлар анчагина. Олмалиқлик Хуршид Назаров ҳам миниатюрачиликда ўзига хос тажрибага эга. У 14 йилдирки, бу санъат тури билан жиддий шуғулланиб, ижод қилиб келаётир.

— Устозим Қаҳрамон Рисқуловдан мўйқалам билан ишлаш сирларини ўрганганман,— дейди у. — Ўғлим Дониёр ҳам ишимга қизиқиб қолган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бу анъанани у давом эттиришини ўйлаб қувонаман.

Азамат АҲМАД олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ ҲИСОБОТ БЕРДИ

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги навбатдаги фракция йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгайтирилган мажлисда фракция ва партия Марказий кенгаши аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Йиғилишни фракция раиси Х. Дўстмуҳамедов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2006 йилдаги ҳисоботи тингланди. Халқ хўжалигининг турли соҳаларига ажратилган давлат бюджети маблағларининг мақсадли сарфланишига доир бир қатор маълумотлар келтирилиб, батафсил ахборот берилди. Хусусан, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича давлат дастурини амалга ошириш учун ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағларининг тўлиқ шаклланиши назорат қилинди. Республикамизнинг йирик саноат корхоналарида валюта маблағларининг тўлиқ келиб тушиши ҳамда уларнинг оқилона ишлатилиши, шунингдек, сиёсий партиялар молиявий маблағларининг таркиб топиши ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан текширишлар олиб борилди.

Фракция йиғилишида партия фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўз мухбиримиз.

Ифтихор

Инсон ва жамият... Бу иккала тушунча ўзаро шунчалик боғлиқки, бири бирини ҳеч қачон истисно этолмайди. Чунки инсон борки, аниқ жамиятда яшайди, жамият эса одамлар билан вужудга келади. Турмуш фаровонлиги, мамлакатнинг истиқболли тараққиёти кўп жиҳатдан муносабатларнинг қай тариқа шаклланганлигига боғлиқдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, миллий ғурур туйғулари муҳим аҳамият касб этади.

ЭЛ ҒАМИ УСТУВОР БЎЛСА...

Тан олиб айтиш керак: мустақиллик миллатимиз ғуруринг қайта тикланишига кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Халқимиз истиқлолгача ўзлигини англашига уринишлар ҳам бўлди. Лекин очиғи, бунга кўпинча йўл қўйилмас эди. Ҳатто зиёли олимларимиз ҳам бу борада биқиқ сиёсий тузум таъсирида илмий тадқиқот ишлари билан банд эдилар. Оқибат нима бўлди? Башарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бобокалонларимиз улушларидан бебаҳра қолдик. Фарзандларимиз қалбидан ғурур деган тушунча йироқлаша бошлади. Хайриятки, истиқлол бундай ҳолатларга зарба берди.

Ҳозирги кунда халқимиз маънавиятини нафақат тиклашга, балки уни юксак даражада ривожлантиришга киришилди. Ўтмишдаги алломаларимизнинг муборак номлари қайта шарафланди. Имом Бухорий, Ҳаким ва Имом ат-Термизийлар, Аҳмад ал-Фарғоний каби бир қатор олимларимиз илмий мерослари ўз авлодларига қайтарилди. Жамиятимиз мафкураси, миллат ғояси ана шу тиниқ булоқлардан покиза сув ича бошлади. Айтиш лозимки, бунда Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, узоқни кўра билиш сиёсати барчамизга ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

Яқинда жаҳон ареналарида ўз кучини кўрсата олган боксчи — ўзбекистонлик ўғлон Руслан Чагаев бутун дунё оммасини ҳайратга солди. Ўзидан кўра кучли, вазни деярли эллик кило оғир ва бўй-басти баланд бўлган Николай Валуевни ўн икки раундли жангда матонат билан мағлуб эта олди. Унинг йигитлик ори, мамлакат шаъни, миллат ғурури азму шижоатига қувват берди. Жанг сўнгида: "Ўзбекистон, сени севаман!", — деган сўзлари бунга яққол мисолдир. У ўзбекларнинг ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмаслигини яна бир карра исбот этди. Бу — фақат спорт соҳасидаги ютуқлардан биридир, холос.

Олдимизда кенг кўламли ишлар турибди. Ҳар қандай тўсиқ олдида Русландек чўчимаслигимиз керак. Бугунги кунда Ўзбекистон саноати ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторига кириб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати кун сайин ўз самарасини беряпти. Илмий-техника соҳасида ҳам олим ва муҳандисларимиз янги-янги кашфиётлар қилишмоқдаки, булар юртимиз равнақига ишонч уйғотмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлашни лозим топдик: одамда азму шижоат қаёқдан пайдо бўлади? Фақат моддий мақсадни кўзлаб меҳнат қилсак, инсоний шарафга муяссар бўла оламизми? Бизнингча, йўқ! Ҳар бир одам ҳар соҳада ҳалол ва сидқидилдан фаолият кўрсатмоғи шарт! Эл ғами устувор бўлмоғи керак. Ҳазрат Навоий айтадилар:

Даврон элининг
жисмида ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонларига мояи
дармон бўлғил.

Ҳаётда ғурурсиз одам бўлмаганидек, миллат ғурурланмайдиган жамият ҳам бўлмайди. Зеро, ҳар соҳадаги миллат манфаати унинг ғурурини белгилайди. Бунинг учун маънавий илдизларимиздан куч йиғиб, Руслан Чагаевдек, қайси соҳа бўлмасин, миллатимизни дунёга танитайлик. Миллат ғурури ҳар биримизнинг қалбимизда бўлсин!

Муродулла ҒАФУРОВ.

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги олдидан

АДАБИЁТ АДИБНИНГ ВИЖДОНИ ЭДИ

Шу кунларда жойларда атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда Гулистон давлат университетида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган анжуман ҳам ана шу санага бағишланди. Тадбирга пойтахтдан бир гуруҳ таниқли ижодкорлар, олимлар ташриф буюришди.

Анжуманни Гулистон давлат университети ректори, физика-математика фанлари доктори, профессор Улуғбек Тошкенбоев очди.

— Бугунги тадбир ажойиб бир кунга, юртимиздаги катта байрам — ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг оламшумул ғалабаси кенг нишонланаётган дамларга тўғри келди, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Айни кунларда ҳамма жойларда Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан учрашувлар, тадбирлар ўтказилмоқда, уларда у кишининг шогирдлари, замондошлари адибни хотирганларга сўзлаб берди. Соҳибқирон ўгитларидан намуналар, куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Анжуман сўнгида кутубхона ходимаси Шарофат Шохназарова ҳамда ўқувчи Ойбек Чориевга фаолликлари учун ЎзМТДП вилоят кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари тақдим қилинди.

Жуманазар АНОРОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.

(Давоми 2-бетда).

Хабар

КИТОБХОНЛАР АНЖУМАНИ

ЎзМТДП Термиз шаҳар кенгаши вилоят ахборот кутубхона маркази ва 2-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланган китобхонлар анжуманини ўтказди. Тадбирда ахборот-кутубхона маркази ходими Барно Боймуродова ҳамда 2-умумтаълим мактаби тарих ўқитувчиси Отабек Назаровлар Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Соҳибқирон ўгитларидан намуналар, куй ва қўшиқлар ижро этилди.

Анжуман сўнгида кутубхона ходимаси Шарофат Шохназарова ҳамда ўқувчи Ойбек Чориевга фаолликлари учун ЎзМТДП вилоят кенгашининг Фахрий Ёрлиқлари тақдим қилинди.

Жуманазар АНОРОВ, «Миллий тикланиш» мухбири.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП С. Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар — келажагимиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Мирзачўл туман кенгаши томонидан «Тиббий кўрик — оила мустаҳкамлигининг гарови» мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Ромитан туман кенгаши ташаббуси билан «Экологик маданиятни шакллантиришда хотин-қизлар қўмиталарининг ўрни» мавзуида тадбир уюштирилди.

* * *

Партиянинг Чирчиқ шаҳар кенгаши томонидан «Оила — тарбия маскани» мавзуида учрашув ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Қиз бола — оила кўрки» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қумқўрғон туман кенгаши томонидан «Сиёсий партияларнинг фаолиятида маҳаллаларнинг ўрни» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши ташаббуси билан «Шу азиз Ватан барчамизники!» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Партия ҳаёти

ЁШ ИСТЕЪДОДГА ҲОКИМ СОВҒАСИ

Қумқўрғон агросаноат касб-ҳунар коллежи талабаси Зилола Яхиева шеърлар машқ қилиб келади. Ёзган машқларини ўқитувчиларга кўрсатиб, маслаҳатлар олади. У ЎзМТДП туман кенгаши раисига шеърларини кўриб беришни илтимос қилди. Яқинда унинг шеърлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриётида 500 нусхада чоп этилди.

Бир неча кун аввал Зилола таҳсил олаётган коллежда ёш талант соҳибасининг илк шеърлар китобчаси — "Соғинтирган соғинчларим" тўплами нашрдан чиққанлиги муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

Тадбирни коллеж директори Абдурасул Эсонов очиб, шундай истеъдодли талаба бу ерда таҳсил олаётганидан мамнун эканлигини айтди. Туман ҳокими Нормўмин Чориев ёш ижодкорни биринчи китоби нашрдан чиққанлиги билан табриклаб, унга ва унинг ўқитувчиси Назира Бекқуловага қимматбаҳо совғасини тақдим этди.

Ўз мухбиримиз.

Партия ва ҳаёт

ЧЕМПИОННИНГ ЎҚИТУВЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Руслан Чагаевнинг мислсиз ғалабаси ҳар бир юртдошимизга фахр-ифтихор туйғуларини бағишламоқда. Шу муносабат билан мамлакатимиз шаҳару қишлоқларида бўлиб ўтаётган тадбирларда қалби юрт ишқи билан ёнган катта-ю кичик фуқаро Русланни олқишламоқда.

Ҳа, Руслан Чагаев бугун ҳамма ҳавас қиладиган инсон. Ундаги юксак маҳорат, мустаҳкам ирода ва азму шижоат ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очди. Бу қувончли воқеа Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ҳам эътироф этилган эди. Партиянинг Андижон вилоят кенгаши ташаббус кўрсатиб ўта оғир вазнда бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ўқиган 50-умумтаълим мактабида бўлиб, унинг биринчи ўқитувчиси Галина Студеникина йўқлади.

Чемпион таҳсил олган мактаб Андижон шаҳридаги энг яхши таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда 103 нафар ўқитувчи 1744 нафар ўқувчини тарбиялаб, камолга етказмоқда. Жамоа шу кунларда мактабнинг 40 йиллик юбилейига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Русланнинг боксда эришган ютуғи бу айёмга муносиб совға бўлди. Мактаб ўқитувчилари-ю ўқувчиларини руҳлантириб юборди. Айниқса, бундан Галина Николаевнанинг боши осмонга етди. Ўз ўқувчисининг шундай инсон бўлиб етишганидан, меҳнатлари зое кетмаганидан бу моҳир мураббий беҳад қувонди. Тиришқоқ, ўз устида тинимсиз изланиб юртимизни шону шуҳратга буркаган Руслан ёшлигида қандай ўқувчи бўлган эди? Вилоят партия кенгашидан ташриф буюрганларнинг бу ҳақдаги саволига Галина Студеникина шундай жавоб қилди:

— Руслан оғир-вазмин бола эди. Ўқитувчиларининг ҳамма талабини доимо бажарар, бирорта ҳам дарсни қолдирмасди. Китоб-дафтарларини яхши сақлар, мактабга кечикмасдан келарди. Кўпчилик билан чиқиша олиши, турли мусобақаларда болаларни ўзига жалб этиши ундаги ўткир қобилият ва салоҳиятдан далолат бериб турарди. Оиласидаги ва мактабдаги муҳит Русланни қатъиятли, адолатли, самимий ва хушфеъл этиб тарбиялади. Қалбида она-Ватанига юксак меҳру муҳаббат уйғота олди. Бу меҳру муҳаббат боис у Россиянинг машҳур боксчиси Николай Валуевни енгиб, катта шуҳрат, мислсиз ғалабага эришди.

Бугун Руслан билан бутун мамлакат фахрланмоқда. Барча юртдошларимиз қаторида чемпионнинг устозлари ҳам Русланни чин дилдан олқишлаб, унга янги ютуқлар, ғалабалар ёр бўлишини тилашмоқда. Улар эзгу ният айлаганидек, омад сендан ҳеч қачон юз ўгирмасин, Руслан. Жуда кўп йиллар мана шундай шону шавкат ва юксак мартаба сенга ёр бўлсин.

Рустам ЗУХРИДДИНОВ.

СУРАТДА: ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Дилмурод Раҳматуллаев чемпионнинг биринчи ўқитувчиси Галина Студеникина ҳузурида.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

МЕҲР ҚУЁШИ

КЎНГИЛЛАРНИ ШОД ЭТАДИ

Тоҳиржон Сулаймонов 54 ёшда. Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида яшайди. 2002 йили юрак хуружи туфайли хасталикка чалиниб, ногирон бўлиб қолган. Аммо у ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Маҳалла-кўй, қолаверса, шифокорлар беморнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришибди. Ўз навбатида Т.Сулаймоновни иккинчи гуруҳ ногиронлигига чиқарган Тошкент шаҳар марказий тиббий меҳнат эспертиза комиссиясининг 4-ихтисослаштирилган кардиологик тиббий меҳнат экспертиза комиссияси аъзолари ҳам беморнинг соғлиги учун қайғуришмоқда.

Яқинда комиссия раиси, олий тоифали кардиолог Севара Саипова бир гуруҳ шифокорлар билан ногиронниг хонадонида бўлишиб, уни қайта тиббий кўрикдан ўтказишди. Касаллик обдон ўрганилганда беморнинг ногиронлик аравачасига эҳтиёжи борлиги маълум бўлди. Комиссия аъзолари шу ернинг ўзидаёқ унга ногиронлик аравачаси учун йўлланма ёзиб бердилар.

— Одамларнинг меҳр қуёши хаста кўнглингни шод этади, — дейди Тоҳиржон ака севинч ёшларини яшира олмай.

Албатта, бу комиссия аъзолари фаолиятидаги ягона ҳол эмас. Жамоа саломатлигини йўқотиб, оғир хасталикка чалинган беморларнинг дардига малҳам бўлишдек эзгу ишга масъулдир. Шу боис ҳам бу ерда ногиронликнинг олдини олиш, даволаш ва реабилитация қилишдек муҳим вазифалар муваффақиятли амалга ошириб келинмоқда. Тажрибали кардиолог Севара Саипова мазкур комиссияга раҳбарлик қилиб келмоқда. Опа билан бир мақсад, маслак йўлида ёнма-ён ишлаётган биринчи тоифали кардиолог Нодира Салиҳова, олий тоифали терапевт Шоира Исматова ва бошқалар ўзларини доимо беморлар соғлиги учун масъул деб биладилар. Бор тажриба ва билимларини ишга солиб, уларни синчковлик билан тиббий кўрикдан ўтказишади. Ҳаммага бирдек муомалада бўлишиб, ширин сўзларини, маслаҳатларини аяшмайди. Комиссия фаолиятининг адолатли ташкил этилганлиги эса кўпчиликка манзур бўлмоқда.

— Ижтимоий ҳимоя йилида иш кўламимиз янада кенгайди, — дейди комиссия раиси Севара Саипова. — Ҳар ойда режа асосида пойтахтимиздаги поликлиникалар, ногиронлик профилактикаси бўйича маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилмоқда. Ишлайдиган ногиронларнинг шарт-шароитлари билан танишиб, уларга тавсиялар бераяпмиз. Зарур ҳолатларда ногиронларни уйларида тиббий кўрикдан ўтказиб, ногиронлик аравачасини олишлари учун уларга йўлланмаларни расмийлаштириб бераяпмиз.

Комиссия аъзолари касалликнинг келиб чиқиш сабабларини синчковлик билан ўрганишади. Беморнинг меҳнат қобилиятини аниқлаб, шунга мувофиқ ногиронлик гуруҳини белгилашади.

— Бемор ҳар хил жойга мурожаат этавермай, турар жойидаги оилавий поликилиникага учраши керак, — дейди шифокор Нодира Салиҳова. — Учтўрт ой даволаниб, назоратда бўлиши зарур. Шунда ҳам аҳволи яхшиланмаса, меҳнат қобилияти пасайиб кетса, поликлиника йўлланмасини олиб, тегишли ҳужжатлар билан комиссиямизга келишади.

Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликларининг 2007 йил 28 февралдаги қўшма қарорига асосан бутун тизимда бўлгани каби 4-ихтисослаштирилган кардиологик ТМЭК ҳам Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан савобли ишга қўл урди. Ҳомийларнинг кўмаги билан ёрдамга муҳтож кексаларга ва меҳнатга лаёқатли ёшларга, кам таъминланган, ёлғиз ногиронларга бепул сунъий кўз гавҳари қўйдиришни ташкил этмоқда. Бу иш комиссиянинг тавсияси билан тегишли шифохоналарда жарроҳлик амалиётини ўтказиш орқали амалга ошириляпти. Кўриш қобилиятини йўқотганлар бу ёруғ дунёни қайта кўриш бахтига мушарраф бўлишяпти.

Рустам ДОСТОН.

СУРАТДА: Севара Саипова комиссия шифокорлари Нодира Салиҳова, Шоҳиста Исматова ва катта ҳамшира Мақсуда Рустамовалар билан иш пайтида.

Азамат АҲМАД олган суратлар.

Партия ҳаёти

Миллий тикланиш ва ёшлар маънавияти

Собир Раҳимов тумани енгил саноат касб-ҳунар коллежи зали ёшлар билан тўла. Зал тўрида мустақил Ўзбекистонимиз байроғи, рамзи ва мадҳияси матни. Яна бир томонда шу ўқув даргоҳи талабалари ижод намуналари — расмлар, миллий либослар. Оппоқ кўйлаклари ўзига ярашиб турган, шоир таъбири билан айтганда, орзулари ойдан ойдин қизлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар Шарифа Салимова, Раъно Зарипова, Мунира Қориеваларни кутиб олишди.

"Миллий тикланиш ва ёшлар маънавияти" мавзусидаги тадбирни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова очиб, партия фаолияти, ғоялари, партия ҳаётида ёшлар ўрни хусусида гапирди.

Шарифа Салимова коллеж ёшларини баҳор шаббодаларига ўхшатди. Кўзлари ёниб турган қизалоқлар — булар миллатимиз нурлари, Ватанимиз келажаги. Шоиранинг Ватанни улуғлаб битган қайноқ мисраларини йиғилганлар мириқиб тинглашди. Раъно Зарипова яқинда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун моҳияти ҳақида ёшларга тушунтириш берди.

Оламшумул воқеа — ўзбек ўғлони Руслан Чагаевнинг машҳур боксчи Николай Валуев устидан ғалаба қозониб, жаҳон чемпиони бўлганини йиғилганлар яна бир бор ифтихор билан таъкидлашди. Бу тарихий ғалаба ўзбек спорти ва жаҳон бокси солномасида янги, зарҳал саҳифа очганини эътироф этишди.

— Сизлар энг бахтли авлодларсиз, — дейди депутат Мунира Қориева, — боиси, мустақил юртимизда ёшларга билим олиш, ҳунар ўрганиш учун имкониятлар бисёр.

Коллеж талабалари ўз қўллари билан яратган, атласу адраслардан, шойи-ю бекасамлардан тикилган миллий либослар кўригини тақдим этишди. Рақслар ижро қилдилар.

Тадбирда таълим маскани ўқитувчилари ва талабаларидан бир гуруҳи Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сафига қабул қилиниб, уларга аъзолик билетлари тантанали равишда топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан коллеж директори Малоҳат Исматуллаева сафларида кўпроқ зиёлиларни жипслаштирган "Миллий тикланиш" партияси ҳақида гапириб, шундай деди: "Зиёли инсонда жаҳолат бўлмайди".

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

Фармон ва ижро

МАТЛУБА ОПАНИНГ КАШФИЁТИ

Кичкиналигимизда бир ўсимлик бўларди, номи биз болаларнинг тилимизда — қозонювгич. У сўритокларга чирмашиб ўсар, пўсти сарғайганда пишган ҳисобланарди. Уларни узиб, иссиқ сувга ботириб, пўстини шилишни яхши кўрардик. Ичидаги уруғлар олингач, идиш ювиш учун фойдаланардик. Биз учун бу болалик ўйинларидан бири эди. Лекин уни Матлуба Исмоилова чин кашфиётга айлантирибди.

Азал-азалдан Марғилон уста ҳунармандлар шаҳри ҳисобланади. Марғилон атласлари довруғи дунёни тутган. Моҳир чеварлар тайёрлаган дўппиларнинг тури беҳисоб. Бу ҳудуд ҳунармандлари тайёрлаган маҳсулотларнинг юртимиз бозорларида ўрни ўзгача. Шу маънода, Марғилонда фарзандларига болалигиданоқ бирон-бир ҳунар ўргатиш анъана тусига кирган. Матлуба опа ҳам ўн икки ёшида дўппи тикишни ўрганди. Унинг биринчи устози онаси бўлди. Моҳир тикувчи-чевар бўлиши учун бу опага дастлабки поғона вазифасини ўтади. Асли ҳунармандлар оиласида туғилиб, шу муҳитда тарбия топган Матлуба опа ҳунарнинг, ҳалол касбдан келадиган ризқнинг қадрини яхши билади. Бундан ташқари, рўзғорнинг ўзига хос сир-асрорлари мавжуд. Эпли аёл йўқдан бор қила олади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир уй бекасининг уй-рўзғор юмушларида «ихтиро»лари бўлади. Бу ўринда, Матлуба опанинг яратган кашфиёти мақтовга сазовор.

Гап шундаки, Матлуба опанинг ижодкорлиги, моҳир қўлларининг воситасида ўша қозонювгич мочалка, ҳаммом учун гиламча, ошхона учун керакли буюм, даволаш воситалари каби кундалик турмуш учун зарур бўлган ашёларга айланди. Бу ўсимликни томорқага экишдан бошлаган опа тор доирада чекланмади. Уни турли шаклларга солиб, атрофига мағиз тикиб, безак берди, турфа маҳсулотлар тайёрлади. Бу ҳунарни ўз атрофидаги қиз-жувонларга ўргатди. Опа раҳбарлигида «Луффа» хусусий корхонаси ташкил этилди, маҳсулотларнинг тури қирқдан ошди.

Президентимиз соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танлови кўргазмаларидаги «Луффа» хусусий корхонаси маҳсулотлари кўпчиликни ҳайратга солди. Ҳақиқатан, кўпчилик назарига илмайдиган оддий бир ўсимликдан нафақат эътибор тортадиган, балки даволаш хусусиятига эга бўлган, табиий тоза маҳсулот тайёрлаш мумкинлиги ҳаммаларнинг ҳам хаёлига келавермайди. Матлуба Исмоилова «Ташаббус — 2007» кўрик-танловининг Республика босқичида қатнашди.

Истиқлол йилларида ҳукуматимиз томонидан тадбиркор, ишбилармонларга катта эътибор берилмоқда. Анъанавий «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови ҳам шу эътиборнинг ёрқин намунасидир. Матлуба опа ҳам бу эътибордан мамнунлиги, яратилаётган шарт-шароитлар тадбиркорлар учун қанот бўлаётганлигини таъкидлади. Ҳозир у кишининг корхонасида 30 нафар хотин-қизнинг кўпчилиги Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан касаначилик асосида иш олиб бораётганлигини айтиб ўтадиган бўлсак, фикримиз ўз исботини топади. Опанинг «Мустақилликнинг 15 йиллиги» кўкрак нишони билан тақдирланган унинг қувончига қувонч қўшди.

Ғайратли инсонлар ҳеч қачон бир ерда туриб қолмайди. Матлуба опанинг ҳам режалари, эзгу мақсадлари бисёр. Опанинг шижоатига, истеъдодига маҳсулотлари орқали баҳо бераётган эканмиз, бу режаларнинг, хайрли ниятларнинг амалга ошишига ишондик.

Зумрад ВАҲОБОВА, «Миллий тикланиш» мухбири.

АДАБИЁТ АДИБНИНГ ВИЖДОНИ ЭДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

лаб, унинг номини ёдга олишмоқда. Албатта, бундан устоз руҳи шод бўлиши шубҳасиз. Мен ёшлар адибнинг китобларини янада кўпроқ ўқишларини истардим.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов ўз сўзида мазкур учрашувни ташкил этишда ЎзМТДП вилоят кенгаши, партия фаолларининг хизматлари катта эканлигини таъкидлади.

— Бугун адабиёт, сўз санъати, эл суйган адиб Абдулла Қаҳҳор ижоди ҳақида тўлиб-тошиб гапирадиган кун, — деди у. — Адибнинг ижоди бетакрор. Айниқса, унинг ҳикоялари бир олам. Улар ҳаётнинг қуйма лавҳалари, лаҳзаларини акс эттиради. Асарларини ўқиган киши ҳаяжонга тушмай қолмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг тили «аччиқ», «заҳар» дейишгани бежиз эмас. У ҳаётдаги иллатларни, одамларнинг салбий феъл-атворларини ана шу «аччиқ» тил билан, лўнда фикрлар билан фош этган.

— Абдулла Қаҳҳорни XX аср ўзбек адабиётини елкасида кўтарган ижодкорлар — Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ойбек ва бошқа адиблар қаторида тилга оламиз, — деди «Шоҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори Наим Каримов. — Биринчи ўзбек романини Абдулла Қодирий ёзган бўлса, ўзбек ҳикоячилигига Абдулла Қаҳҳор йўл очди. У ўша пайтда ҳали ҳеч ким айтолмаган гапларни, муаммоларни дадил тилга олган қатъиятли адиб эди. Ёзувчининг яна бир хислати шуки, у жуда кўп китоб ўқир, шунингдек, рус тилидаги адабиётларни ҳам кўп мутолаа қилар эди. Гоголь ва Чеховнинг асарларини ўқир экан, айнан Чехов асарлари билан ўзининг ёзганларида ўхшашлик борлигини ҳис этган эди. Чиндан ҳам улар орасида ўхшашлик мавжуд. Шу боисдан ҳам Абдулла Қаҳҳор «чеховча» ёзади деган фикр бежиз айтилмаган. У Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов каби таниқли шоирларнинг адабиётга кириб келишларига елка тутиб берган адиб эди. Ёзувчининг иккинчи умри давом этмоқда ва унинг ёзганлари ҳали кўплаб ёш ижодкорларга мактаб бўлади.

Анжуманда сўзга чиққан сенатор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби, шоира Ҳаётхон Ортиқбоева, Ўзбекистон Миллий университети профессорлари Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Баҳодир Каримов, Гулистон давлат университети доценти Умрзоқ Ўлжабоевлар адибнинг ҳаёти, бетакрор ижоди, унинг аҳамияти, устознинг ёшларга эътиборли, ғамхўр бўлганлиги, шунингдек, ёзувчининг Сирдарё-Мирзачўл билан боғлиқ ҳаёти, яъни унинг Гулистон туманида бир муддат яшаб, ижод этгани, ана шу йиллар маҳсули бўлган ва ҳатто хорижда ҳам энг яхши асарлар деб тан олинган «Синчалак» ва «Шоҳи сўзана» асарлари хусусида сўз юритдилар.

Шоир Рустам Мусурмон адибнинг ростғўйлиги ва дадиллиги бугунги ёшларга ибрат эканлиги ҳақида гапирди. Шоир ўқиган шеърларни талабалар олқишладилар.

— Университетнинг филология факультети талабаси Раъно Қурбонова шундай адабиёт байрами — ажойиб учрашув ташкилотчиларига талабалар номидан миннатдорчилик билдирди.

Шу куни анжуман узоқ давом этди. Талабалар меҳмонлар билан суҳбатлашдилар, тадбир иштирокчилари адабиёт ихлосмандларига дастхатлар ёзиб беришди.

Холида ПАРДАБОЕВА.

Конституция — тақдиримизда

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бугун энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон цивилизациясининг тақдири ҳам айнан мазкур масаланинг ижобий ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолаётганлиги унинг кўламидан дарак бериб турибди. Бунга ер юзида аҳоли сонининг жадал суръатлар билан ортиши ва фан-техника тараққиёти асосий сабаб бўлди.

XX асрга келиб фан-техниканинг жадал ривожланиши, жумладан, ядро энергияси ва мураккаб технологияларнинг ўзлаштирилиши инсониятнинг атроф-муҳитга таъсирининг ортишига олиб келди. Ер шарида аҳоли сонининг тез суратларда ортиши билан табиатдан жуда катта ҳудудлар инсон эҳтиёжлари йўлида ўзлаштирила бошланди ва бу жараён амалда ҳозир ҳам давом этмоқда. Бу табиат ва инсоният ўртасидаги мувозанатни издан чиқарди. Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида инсоният эртаси учун экологик муаммолар нечоғли долзарб аҳамият касб этишини таъкидлар экан, "экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосини миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдид" сифатида баҳолайди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари экологик муаммолар, уларни келтириб чиқарган ва чиқараётган омилларни бартараф этишда жаҳон ҳамжамиятини бирдамликка чорлаб, "Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган"лигини қайд этади.

Маълумотларга кўра, инсоният ўзининг тараққиёти мобайнида, айниқса, XX асрда сайёрамизнинг 70 фоиз ҳудуди табиий экологик тизимларини йўқотиб улгурди. Шундай экан, инсон ва табиат муносабатларининг энг мақбул кўринишларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этиш бугунги куннинг энг асосий вазифаси саналади. Бунда атроф-муҳитдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда ҳуқуқий чоралар кўрилади. Хусусан, илмий асосланган таъқиқларни ишлаб чиқиш, инсоннинг табиатдан фойдаланиш чегараларини белгилаш шахс ва жамиятнинг атроф-муҳитга нисбатан зарурий муносабатини шакллантириш имконини беради.

Бунинг учун биринчидан, инсон ва табиат муносабатларининг энг мақбул кўринишларини яратиш ва амалда татбиқ этиш, ўз навбатида унинг ҳуқуқий механизмини барпо қилиш муҳим аҳамият касб этади. Иккинчидан, атроф-муҳитдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда илмий асосланган ҳуқуқий таъқиқларни яратиш, инсоннинг табиатдан фойдаланиш чегараларининг белгиланиши шахс ва жамиятнинг атроф-муҳитга нисбатан зарурий муносабатини шакллантириш имконини беради. Учинчидан, табиатни соф ҳолатда сақлаш, экологик хавфсизликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, мавжуд меъёрий ҳужжатларни экологик талаблар доирасида қайта ишлаб чиқиш, уларнинг ижросини таъминлаш механизмларини барпо этиш ва мавжудларини такомиллаштириш ҳамда бу жараёнга фуқароларни кенгроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасининг ҳуқуқий асослари яратилиб, уни такомиллаштириш, ижро механизмини яратиш ва ҳаётга татбиқ этишга алоҳида урғу берилмоқда. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бу борадаги илк, айни вақтда асосий қадамлардан бири бўлди. Атроф-муҳитдан оқилона, самарали, илм-фан тавсиялари, табиатнинг умумий қонуниятлари асосида фойдаланиш ва унинг муҳофазасини тўғри ташкил этишни Конституциясиз таъминлаб бўлмайди. Қомусимизнинг XI, XII, XXI боблари махсус экологик нормаларни назарда тутади. Жумладан, 50-моддада "Фуқаролар атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", деб белгиланиши аҳолининг экологик мажбуриятларини қонун даражасида мустаҳкамлайди. 54-модда "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт", деб белгилаб беради. Ушбу конституциявий норма мулк ҳуқуқининг қонун ҳимоясида эканлигини, унинг устуворлигини, мулкдорнинг ўз мулкига, ўз хоҳишига кўра эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этишини белгилаш билан чекланмасдан ўзининг мулкий ҳуқуқларини амалга оширишларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг атроф-муҳитга зарар етказмаслиги лозимлигини уларнинг экологик мажбурияти сифатида расман мустаҳкамлайди. Демак, Конституциямизнинг юқоридаги моддаси табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ўзаро уйғунлик асосида ташкил этилиши лозимлигини уқтиради. Бу айни вақтда мамлакатимизда фуқаролар учун экологик хавфсиз муҳитни ҳамда табиий муҳит софлигини таъминлашнинг асосий ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, табиат ва жамият ўртасида иқтисодий-экологик муносабат шаклини қарор топтиришдан иборат эзгу мақсад ва вазифаларни расман қайд этади.

Дилшод ХЎЖАНОВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси.

Кўргазма

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида икки нафар рассом шахсий кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда 100 га яқин рангтасвир асарлар намойиш этилди.

Асарларда табиат нафаси

— Бир ўлканинг икки фарзанди, бир диёрнинг икки куйчиси. Улар бир ерда яшаб ижод этишса-да, ижодий йўналишлари, услублари турлича. Асарлари ҳам тубдан фарқланади, — дейди санъатшунос Равшан Эгамов. — Лекин ижодкорлар яшаб турган ўлкаларининг бетакрор табиати, унга бўлган муҳаббатларини бизга меҳр ила улашмоқдалар. Иккала рассомнинг сержило, ёркин рангларга тўла асарлари ўзига хос бўлиб, ҳар бири бетакрордир. Уларда ҳаёт акси, Ўзбекистоннинг ажойиб манзараси, нозу неъматлари, турмуш тарзи, йиллар давомида шаклланган фалсафаси акс этган. Обиджон Бакиров ўз асарларини реалистик оҳангда яратган. Табиат мўъжизалари-ю неъматлари, инсонлар образлари рассом қалбини бефарқ қолдирмай, уни ижод қилишга ундагани асарларида яққол сезилади.

Рангтасвир устаси нафақат бизнинг юртимиз, балки АҚШ, Россия, Франция, Исроил, Ҳиндистон, Корея, Болгария ва бошқа хорижий мамлакатларда ҳам ўз мухлисларига эга. У табиат гўзаллигидан, борлиқнинг ранг-баранглигидан ҳайратга тушади, унинг турфа жилваларига боқиб тўймайди, завқ-шавқ олади. Шу тарика унинг асарлари бир-бирига ўхшамас тарзда яратилади.

Шуҳрат Рассом эса эркин ижодкор сифатида рангтасвир йўналишида ижод қилади. Унинг асарлари шарқона рамзий ечимга эга. Уларда колорит ва нақшлар фалсафасини ҳис этиш мумкин. Бетакрор бадиий ечим, ўзига хос тасвирий услуб, тимсоллар ва ранглар рамзийлиги, шарқона руҳият у яратган асарларнинг асосий мазмунини ташкил килади.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Жамият ва қонун

ДАРОМАДНИ ЯШИРГАНЛИГИ УЧУН

Т. Бусинова 1959 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, 3 фарзандниг онаси. Бўка шаҳрида истиқомат қилади. Яқинда унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Хўш, у қандай жиноят содир этди?

Т. Бусинова Бўка шаҳри Магистрал кўчасида жойлашган савдо шахобчаси учун "Алкоголь маҳсулотлари ва пиво савдоси ҳуқуқини берувчи" гувоҳнома муддатини 2006 йил учун узайтирмасдан жами 11.960.000 сўмлик алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилиб, 598.000 сўм миқдорида фойда кўрган. Албатта, бу ишни бир ўзи амалга ошира олмас эди. У қўл остида ишловчи К. Бусиновни бу ишга шерик қилган. Улар 2003-2006 йиллар давомида 215.210.500 сўмлик улгуржи савдо билан шуғулланиб, бундан 6.756.700 сўм миқдорида даромад олганлар.

Бундан ташқари, улар ДСИга ҳисобот топширмай, солиқларни тўлашдан бўйин товлашган.

Мазкур текширув юзасидан ҳужжатлар рўйхатга олиниб, уларга нисбатан тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Миркошиб ПОЗИЛОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖ ва ЖДЛҚҚ департаменти Бўка тумани бўлими бошлиғи.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

АНГРЕНДА ШУНДАЙ КОЛЛЕЖ БОР

Ангренда шундай коллеж бор: ўқувчилари илмга ташна, касб-ҳунар ўрганишга иштиёқманд. Устоз-мураббийлари эса фидойи. Ёшларни чин дилдан севишади. Уларнинг камолотини ўзларининг бахт-саодати деб билишади. Шу боис Ангрен политехника касб-ҳунар коллежини битираётган талабалар ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини эгаллашмоқда.

Транспорт воситаларини ишлатиш, тоғ-кон электр жиҳозлари, фойдали қазилмаларни бойитиш, бухгалтерия ҳисоби, молия, банк иши каби 11 та муҳим ихтисосликнинг тажрибали мутахассисларига айланишаяпти.

— Мустақиллик боис ҳаётимизда кўплаб ўзгаришлар рўй бермоқда, — дейди коллеж директори Зоирхон Рашидхонов. — Айниқса, таълим соҳасини ривожлантиришда улкан имкониятлар яратиляпти. Сабаби, ҳозир мамлакатимизда таълимдаги ислоҳотларни амалга оширишда, буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзуларимизнинг рўёбга чиқишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ёшларни салоҳиятли, ўз касбининг етук мутахассиси этиб тарбиялаш доимо асосий вазифа бўлиб қолаверади. Ахир, ўқиб, касб-ҳунар эгаллаш, ўз соҳасининг пешқадами бўлиш қайси инсонга зийнат бағишламайди, дейсиз? Яхши касб эгаси ҳам халқига, ҳам ўзига катта фойда келтиради. Камолотга эришиб, эл ичида изза-икром топади. Шунинг учун ҳам ўз фарзандларини илмли, ҳунарли қилиб вояга етказиш халқимизнинг улуғ хислатига айланган.

Бу мақсадни ўзида мужассамлаштирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури такрорланмас ва бебаҳо хусусиятга эга. У мамлакатимизнинг халқаро андозалардаги тараққиётини таъминлай оладиган, мустақил тафаккурли, малакали, билимли мутахассисларни, айни пайтда ички инсоний фазилатлари камолотга етган кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди. Шундай улуғ, муҳим вазифаларни амалга оширишда коллежимиз жамоаси ҳам катта ютуқларга эришиб келмоқда. Зарур мутахассисликлар бўйича илм масканимизда 1334 нафар талаба тарбияланаяпти. Уларнинг пухта илм ва касб эгаллашлари учун барча шароитларни яратганмиз. Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, ёпиқ спорт зали, 400 ўринли шинам ётоқхона, 100 ўринли ошхона, ахборот ресурс маркази ўқувчиларимиз хизматида.

Таълим сифатини ошириш билан биргаликда ўқув даргоҳимизга қарашли ҳудудни кўкаламзорлаштириб, ободонлаштиришга, қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришга ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Кейинги уч йил ичида коллежимизнинг олд томонига чим ётқизилиб, 60 туп арча экилди. 400 тупдан зиёд гул кўчатлари ўтқазилди. Очиқ майдонлар текисланиб, кўкаламзорлаштирилди. Спорт ва фаоллар зали қайта таъмирланиб, янги жиҳозлар билан таъминланди. Ўқув ва лаборатория хоналарининг барчаси, шу билан бирга ички йўлаклар таъмирдан чиқарилди. Маънавият-маърифат ишларини ривожлантириш мақсадида кутубхона ўрнида ахборот ресурс маркази ташкил этилди.

Ўзларига бўлган жиддий эътибор ва яратилаётган шароитлардан коллеж ёшлари мамнун. Чуқур билим олишга ва касб-ҳунар кўникмаларини пухта эгаллашга бўлган қизиқишлари, интилишлари билан бу ғамхўрликларга амалий жавоб беришмоқда. Жумладан, ҳуқуқ фанидан вилоят бўйича ўтказилган олимпиадада Дилдора Файзуллаева 3-ўринни эгаллади. Алёна Глязнова эса рус тили ва адабиёти фани бўйича бўлиб ўтган худди шундай олимпиадада муваффақиятли иштирок этди. Талабаларнинг спортдаги ютуқлари ҳам қувонарли. Оммавий спорт ўйинларининг ўн беш тури бўйича Ангрен шаҳри коллежлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда 2-ўринни эгаллашиб, бешта тур бўйича ви-лоят босқичига чиқишди. Бундан ташқари, илгариги бўлиб ўтган "Баркамол авлод" мусобақаларида коллеж ёшларининг олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритганликларини эсласак, илм даргоҳида ёшларнинг спортга қанчалик меҳр боғлаганликлари аён бўлади. Коллежда иш олиб бораётган 7 та тўгаракда ўқувчилар миллий кураш, енгил ва оғир атлетика, қўл тўпи, футбол, волейбол билан шуғулланишмоқда. Уларга жисмоний тарбия раҳбари Умиджон Хўжабоев, республикада танилган мураббийлар Улуғбек Абдураҳмонов ва Анатолий Ишимко мураббийлик қилишяпти.

Ёшлар ўзларига чуқур билим бераётган устоз ва мураббийлардан доимо миннатдор. Айниқса, Машкура Асқарова, Мақсуда Эркабоева, Ўлмасой Қидирова, Насиба Кабайкина, Малоҳат Қўшоқова, Роза Собирова, Машариф Тошматов, Нилуфар Умарова, Зоя Цой, Жасур Кунишев, Севара Тошхўжаева, Шуҳрат Норматов, Гулчеҳра Имомова сингари тажрибали мураббийлар уларга сабот билан илм бериб, касб-ҳунар ўргатишяпти. Маънавият, маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Гулчеҳра Холдибекова яқинда 60 ёшга тўлди. Ёшларни ўз фарзандидек қадрлаган бу аёл шу жамоада 30 йилдан ортиқ меҳнат қилиб, юксак мартаба, ҳурмат эҳтиромга эга бўлди. Опани бутун жамоа, касбдошлари, ўқувчилар қутлуғ айём билан муборакабод этдилар.

Коллеж жамоасининг ютуқлари нимада?

Аввало ўз ишларига масъулият билан ёндошаётганликларида, 8 та кафедранинг самарали фаолият кўрсатаётганида ва қатор ўқув юртлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатганлигидадир. Жумладан, Тошкент вилоят Давлат педагогика институти, Тошкент молия институти, Тошкент автомобиль йўллари институти, Навоий Давлат кончилик инс-титутининг Олмалиқ факультети билан тузилган шартномалар таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Коллежда бўлиб, қайси бир ўқитувчи билан суҳбатлашманг, "Ёшлар бизнинг келажагимиз", дейишади фахр билан. Бу эса уларнинг келажак авлод камолотига масъул эканликларини ифодалайди. Ахир ёшлар камоли — юрт жамоли, деб бежиз айтилмаган. Уларга бўлган беқиёс эътибор, чексиз меҳру муҳаббат ўз мевасини бермоқда. Ёшлар илм олиб, касб-ҳунарли бўлишмоқда. Шоир Сайидо Насафий айтганидек:

Ҳеч кимга ялинмас ҳунарли инсон,
Ризқин ўз боғидан топади боғбон.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

СУРАТЛАРДА: коллеж директори Зоирхон Рашидхонов; жамоа фаолиятидан лавҳалар.

ЁШЛАР ВА ЗАМОН

ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Бугунги ёшларнинг жисмонан соғлом, илмли, одобахлоқли, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарияти томонидан зарур шарт-шароитлар яратилаётир. Таълим-тарбия соҳасида қўйилаётган ҳар бир қадам мана шу эзгу ишларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Олти йил аввал Оила маросимлари маркази қошида "Оила — муқаддас Ватан" шиори остида иш бошлаган ёш оила қурувчилар мактаби фаолияти ҳақида ҳам бугун мана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин. Чунки ушбу мактаб машғулотларида ҳозиргача касб-ҳунар коллежларининг ёшлари ҳамда оила қуриш учун ариза берган бўлажак келин-куёвлар қатнашиб, ўзлари учун зарур бўлган йўл-йўриқ ва маслаҳатларни олмоқдалар.

Адлия вазирлиги ва республика Оила дорилфунуни махсус курси режаси асосида фаолият юритиб келаётган бу мактабнинг асосий мақсади ёшларнинг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимларини ошириш, уларнинг қалбида миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат уйғотиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш сингари эзгу ниятлардан иборат. Бундан ташқари, бу ерда оила қонунчилиги, тиббий кўрикнинг моҳияти, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича билим бермоқдалар.

Яқинда туманимиздаги 4-умумтаълим мактабида ва Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида ёш оила қурувчилар мактабининг нав-батдаги машғулоти бўлиб ўтди. Ўтказилган тадбирда туман ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бўлими, "Камолот" ЁИҲ ва ФҲДЁ бўлими вакиллари иштирок этишди. Унда ФҲДЁ бўлими мудираси Д.Набиева никоҳ тузиш тартиби, шартлари ва унинг қонуний асослари тўғрисида гапирди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшлар ўз келажагига ишонч билан қарашлари, бу йўлда қийинчиликлардан қўрқмаслик зарурлиги, мустаҳкам оила қўрғони юрт ободлигининг нишонаси эканлигини айтишди. Давра суҳбатининг давоми қизғин мулоқот ва баҳс-мунозараларга айланиб кетди. Ўқувчи ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Коллежда ўтган давра суҳбати ҳам талаба ёшларда катта таассурот қолдирди. Уларнинг таклиф-мулоҳазалари, ўй-фикрларини айтишга интилишлари тадбир ташкилотчиларини қувонтирди.

Э.ҲАЛИМОВА,
Мирзаобод тумани ФҲДЁ бўлими нозири.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда катта пойдевор бўлиши алоҳида таъкидланди.

МЕҲР-ОҚИБАТ БОР ЖОЙДАН БАРАКА АРИМАЙДИ

Бунда маҳаллаларнинг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда маҳаллаларга қаратилаётган юксак эътибор туфайли ушбу институтнинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. Уларнинг равнақи учун зарур шарт-шароит яратилиб, фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштириляпти. Тегишли қонун ҳужжатлари асосида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбони каби тузилмалар иши йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишда бу ишлар учун масъул кишиларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими фаолиятига оид қонун ҳужжатларидан яхши хабардор бўлиши ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ва ҳуқуқий билими ҳамда раҳбарлик малакасини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳаракат дастури ҳам қабул қилинган. Шу асосда Республика "Маҳалла" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги зарур чора-тадбирларни амалга оширяпти.

— Мамлакатимизнинг деярли барча туман ва шаҳарларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари иштирокида ўқув семинари ўтказилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлими бошлиғи, подполковник Абдужаббор Абдунабиев ЎзА мухбирига. — Асосий эътибор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларини мазкур тузилма фаолиятига оид янги меъёрий ҳужжатлар билан таништиришга қаратилди. Маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, ёшларнинг жамият равнақидаги фаоллигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Бу вазифаларнинг ҳаётда ўз ифодасини топиши халқимиз қувонтиради.

— Маҳалла фаоллари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорликда фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яртилган янги бинода иш бошлаганимизга ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди маҳалла оқсоқоли Б. Саидов. — Аммо бу қулайлик ишимизга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб улгурди. Аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар учун фойдали ўқув курслари, кичик бизнес шахобчаларини кенгайтириш имконияти туғилди.

Маҳаллада бекорчи кишини учратмайсиз. Одамлар қувончу ташвишларини маҳалла оқсоқоли билан баҳам кўриши муаммолар юзага келишининг олдини олишга хизмат қиляпти. Шунинг учун ҳам маҳалла муҳити соғлом. 2005 йилдан буён бу ерда бирорта ҳам жиноят қайд этилмагани бу фикрнинг тасдиғидир.

Шу боис маҳалла аҳли жорий йилнинг январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган «Намунали милиция таянч пункти» танловида биринчи ўринни қўлга киритган.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Хотира

МАЪНАВИЯТЛИ ИНСОН ЭДИ

Одамларнинг яхшиси одамларга фойдалироғидир.
(Ҳадисдан)

Жиззахда Мўмин Қаҳҳор деса ҳамма танийди. У пахтачилик, чорвачилик ва ғаллачилик илмининг усталаридан бири эди. Кимники, исми-шарифини халқона қилиб тилга олар эканмиз, демак, у эл назарига тушган. Машҳур ёзувчилардан бирининг таърифи билан айтадиган бўлсак: "Мўмин Қаҳҳор қишлоқ хўжалигини яхши биладиган, бу тармоққа маданият олиб кирган фидойи инсон эди". Ҳа, у меҳнатсеварликни, тартиб-интизомни, лафзи ҳалолликни ҳаётининг мазмуни деб биларди.

Тақдир экан, Мўмин ака ҳақида бугун "эди" сўзини қўшиб гапириб турибмиз. Бу биз учун оғир. Аммо муқаддас китобда битилганидек, "ҳар бир жон ўлим шарбатини тотгувсидир", ва яна шу китобда ёзилганки, "яхши амалларни қилгувчи зотларнинг ажр-мукофоти нақадар яхшидир..."

Мўмин Қаҳҳор ҳаётини яхши амалларни қилишга бахшида этган инсон эди. У қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида қирқ беш йил ишлади. Меҳнат қилганда ҳам бошқалар ибрат оладиган бир тарзда фаолият кўрсатди.

Мўмин ака тажрибаси ўзига хос бир мактаб. Ҳозирги кунда унинг шогирдларини шу даргоҳнинг ўқувчилари десак адашмаймиз. Нафақат Жиззах туманида, балки, вилоятда ундан ўрганганларини ҳаётга тадбиқ этиб кам бўлмаётган ил-ғор фермерлар, чорвадорлар истаганча топилади.

Жиззах туманидаги "Мамарашидобо" фермер хўжалиги бошлиғи Орзиқул Рашидов шундай эслайди: "Мўмин ака мен учун нафақат қишлоқ хўжалигида, балки, ҳаётда ҳам устоз эди. Бундай маданиятли, тўғрисўз инсон билан бирга ишлаган дақиқаларни ҳеч қачон унутмайман. Пахта етиштириш, чорва боқиш, боғ парваришлаш, ободончилик ишларини қойиллатарди. Дабдаба ва кибру ҳавога берилмаган, қатъиятли инсон эди. Худо ёрлақаган, ризқи улуғ одамнинг ўрни тезда билинар экан. Ҳатто, ўстираётган ниҳолига ҳам фарзандига меҳрибон отадек меҳр кўрсатадиган боғбон эди. Боғлар, гулзорлар яратишни жуда-жуда севарди».

Шогирдлари Ҳотам Қобилов, Нишонбой Турсунматов каби фермерлар билан ҳам Мўмин аканинг инсонийлик хислатлари ҳақида самимий суҳбатлашдик. Эл-юрт учун меҳнат қилганнинг номи доимо шундай эъзоз топаверади.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишдаги фидокорона меҳнатлари учун у Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 1996 йили "Ўзбекистон республикаси-да хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" унвонини олишга сазовор бўлди. Мўмин ака етакчилик қилган хўжаликлар доимо донг-дор бўлган. 2001 йилдан 2006 йилгача "Сингдор М.Қ" фермер-хўжалигини бошқарди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам фермер хўжалиги режаларини ортиғи билан адо этган.

Ота-боболаримиздан қолган ҳикмат бор: "Мўмин кишига берилган нарсаларнинг яхшиси чиройли хулқдир». Хуш хулқли зурриётлардан шод-хуррамлик кўришнинг ўзи бир бахт. Мўмин Қаҳҳор шундай бахтга мушарраф бўлган ота эди. Унинг фарзандлари падари бузрукворини, волидаи муҳтарамасини эъзозлаганини кўриб ҳавас қилардим. Фарзандлари уни шу қадар ҳурмат қилиб муомала қилганларини кўриб, менинг фарзандларим ҳам уларга ўхшасин, деб ният қилгандим.

СУРАТДА: Мўмин ака ҚАҲҲОРОВ оила аъзолари билан.

Дастурхони меҳмонлар учун доимо очиқ, файзли хонадонда бир неча маротаба ҳамсуҳбат бўлганман. Мўмин ака ижод аҳлини бошига кўтариб юрадиган маънавиятли инсон эди. Ширин суҳбатлару дийдорлашувлар ғанимат экан.

Хулқи зебо, аҳил оила аъзолари ипга тизилган дур ва гавҳар каби бир-бирларини безайдилар, дейди донолар. Мўмин Қаҳҳорни хотирлаб яна шу хонадондамиз. Жавон тўла китоблар. Уй тўрида Мўмин аканинг сурати. Худди тирикдай боқиб турибди. Турмуш ўртоғи Зеби, она, фарзандлари билан у кишини хотирладик. Тўнғич ўғил Камолжон ота изидан бориб фермерлик юкини елкасига олганини эшитиб, от ўрнини той босар, деган нақл хаёлдан кечди...

Ўринбой КЕНЖАЕВ.

Тақдимот

ФАҚАТ ИЛМИЙ ЯНГИЛИКЛАР ҲАҚИДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ирмоқ" журнали тақдимоти бўлиб ўтди. Бу журнал бошқа даврий нашрлардан фарқли ўлароқ турли соҳа ва тармоқларга илмий мурожаат этишни кўзда тутади. Шунингдек, фанда кузатилаётган тараққиёт, тадқиқотлар натижасини ўзида акс эттириб, инсон тафаккурини бойитувчи, борлиқ ҳақидаги тасаввурларини ривожлантирувчи материалларни ҳам чоп этиб боради.

— Журналимиз кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган бўлиб, илм тараққиётига озгина бўлса-да ўз ҳиссасини қўшиш истагидаги ҳар бир тадқиқотчи, олим, талаба, ҳуллас, барча учун минбар вазифасини ҳам ўтайди, — дейди журнал бош муҳаррири Ҳамза Жумаев. — Шунингдек "Ирмоқ" журнали интернет тармоғида ҳам ўз сайтига эга. Ушбу сайтда ўқувчилар билан бевосита мулоқот қилиш ҳамда таҳририятдаги маълумотлардан ҳам фойдаланиш имкони мавжуд.

Нуржаҳон АВАЗОВА,
«Миллий тикланиш» мухбири.

МУРУВВАТ ЁРДАМИ ЕТКАЗИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасига жўнатилган навбатдаги саломатлик поезди кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногиронлар, шунингдек, ижтимоий соҳа объектларига кийим-кечак, пойабзал, санитария-гигиена воситаларидан иборат умумий қиймати 50 миллион сўмлик мурувват ёрдамини етказиб берди. Бу поезд "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижроси доирасида "Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Йил бошидан буён бундай саломатлик поездлари ва автопоездлари Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига жўнатилди. Ёрдамга муҳтож одамлар ва ижтимоий объектларга етказиб берилган инсонпарварлик юкининг қиймати 250 миллион сўмни ташкил этади. Жорий йил охиригача давлат дастурига мувофиқ бундай поездлар республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам юборилади. Ушбу мурувват юкларини шакллантириш учун ҳомийлар ёрдамидан ташқари экологик ҳашарларни ўтказишдан тушган маблағлардан ҳам фойдаланилади.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ФОТОЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА:

БАҲОР МАНЗАРАЛАРИ





«Зоминда ўрик гуллабди», «Сепкиллари гўзал», «Ошиқ капалак», «Асал топиш машаққати», «Ҳайрат»... Унинг фото архивида бундай ноёб кадрлар жуда кўп. Фотожурналист Ҳасан ПАЙДОЕВ қайси вилоятга хизмат сафарига чиқмасин, бир олам янги суратлар билан қайтади. Унинг шоирона нигоҳи, ҳайратлари бу суратларни кўрган ҳар қандай кишининг кўнглига кўчади. Уларга узоқ тикилиб қоласиз. Бир лаҳза бўлса-да, кундалик ташвишларни унутиб, ўзингиз пайқамаган олам мўъжизаларидан баҳраманд бўласиз.

Жаҳон ҳафта ичида

АЛВИДО, ГУАНХЭ

Пекин ҳокимияти шаҳарнинг энг қадимий биноларидан бири жойлашган Гуанхэ операсини янги бинога кўчириш ҳақида қарор чиқарди.

Ушбу опера Пекиннинг тарихий квартали Цяньмэнда жойлашган эди. XVII асрда Минь сулоласи даврида қурилган эски бино 2000 йилда фойдаланиш учун хавфли, деб топилган эди. Эндиликда ушбу опера замонавий бинога эга бўлади, деб хабар тарқатади France Presse. Театрнинг янги биноси қаерда жойлашиши ҳали аниқланмаган.

Бино XVIII асрнинг бошидан бошлаб Гуанхэ операси учун қаророгоҳ вазифасини ўтай бошлаган. Бунга қадар у бой савдогарлардан бирининг мулки саналган. 1960-70 йилларда театр ўзининг сўнгги йиллардаги Уйғониш даврини бошдан ўтказган эди. Бу даврда Гуанхэда XX асрнинг энг машҳур артистларидан бири Мэй Ланьфан ижод қилган.

ЛАТВИЯДА ЯНГИ ЧЕМПИОНАТ

Латвияда илк маротаба аёларни кўтариб юриш бўйича чемпионат ўтказилади. "Мени тоққа олиб чиқ" дея шартли номланган ушбу тадбир Ригадан узоқ бўлмаган Рамкальне истироҳат боғида ўтказилади.

Маҳаллий Novo News интернет газетаси тарқатган хабарларга кўра, ушбу чемпионат халқаро мусобақа қоидалари асосида ўтказилади. Маълумки, халқаро чемпионат 12 йилдан буён мунтазам равишда Финландияда ўтказиб келинади. Сал олдинроқ бу мусобақалар Эстонияда ҳам йўлга қўйилганди.

Латвия чемпионатининг ягона фарқи шундаки, эркакларга "керакли тош", яъни турмуш ўртоқларини тоққа кўтариб чиқишларига тўғри келади. Мусобақалар регламентида вазни 50 килограммдан кам бўлмаган аёллар иштирок этиши белгилаб қўйилган. Чемпионатда эса 18 ёшга тўлган жуфтликлар қатнашиши мумкин. Дарвоқе, иштирокчилардан расмий никоҳ гувоҳномаси талаб қилинмайди. Фақат сўнгги бир йил давомида улар бирга яшашган бўлса, шунинг ўзи кифоя.

ЛУВРНИНГ РИМЛИК РАҚИБИ

Рим ҳукумати экспонатларининг бойлиги ва майдони жиҳатидан Париждаги Луврга бемалол рақобат қила олиши мумкин бўлган "Катта Капитолий" музей-кварталини қуриш лойиҳасини эълон қилди. "Италия пойтахти мэри Вальтер Вельтрони ушбу лойиҳани тўғридан-тўғри "янги Лувр", деб атади", деб қайд этади ANSA.it агентлиги.

Ушбу кварталнинг майдони 61 минг квадрат метрни ташкил этади (Луврнинг майдони 70 минг). Унинг маркази Капитолий музейлари бўлади. У ердаги музейлардан бирида Рим цивилизацияси музейидаги экспонатлар жойлашади. "Янги Лувр" таркибига шу йилнинг октябрь ойида очлиши режалаштирилаётган Императорлар форуми музейи ҳам киритилади. Форум яқинида жойлашган Палаццо Ривальди қасри ҳам музейга айлантирилади: ундан антик ҳайкаллар жой олади.

"Катта Капитолий" ўнлаб йиллар давомида жой етишмаслиги туфайли омборларда ётган экспонатларни намойиш этиш имконини беради. Ўз навбатида Рим ҳукумати ушбу лойиҳанинг муваффақият қозонишига ишонади. Боиси, антик асарлар намуналарини кўришни истаган туристлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

САККИЗ НАФАР ЭГИЗАК

Жазоирлик 27 ёшли аёл бир йўла саккиз нафар фарзанд кўрди.

Ҳозирда уларнинг олти нафари соғ-саломат.

Чақалоқларнинг оғирлиги 700 грамдан 1,3 килограмгача.Кейинги ўттиз йил давомида Жазоирда тўрт нафардан кўп эгизак туғилмаган экан.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Ўқинг, қизиқ!

УНИВЕРСИТЕТЛАР ТАРИХИДАН

Ер юзидаги энг биринчи олий ўқув муассасаси милоддан аввалги 176 йилда Афинада очилган. Унда саккизта фалсафа, иккита ҳуқуқ кафедраси бор эди.

* * *



"Университет" атамаси эса V асрга келибгина пайдо бўлган. Византия императори Феодосий 425 йили Константинополда очилган олий мактабни шундай номлаган.

* * *

Европа мамлакатларида университетлар — Оксфордда 1200 йили, Кембрижда 1209, Лиссабонда 1290, Прагада 1348, Краковда 1364, Венада эса 1365 йили ташкил этилган.

* * *

"Декан" сўзининг ҳам келиб чиқиш тарихи бор. Қадимги римликлар аскарий қисмлардаги ўнбошилик (ўн аскар бошлиғи) лавозимини, ўрта асрлар даврида эса католик черковларида аббатларнинг ёрдамчиси ҳисобланган монархларни "деканус" деб юритишган.

Ҳозирда олий ўқув юртларида факультет бошлиғини англатувчи "декан" сўзи шундан келиб чиққан.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

«БАҲОРИСТОН»ДА БАЙРАМ

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Баҳористон" маҳалласи шаҳардаги энг аҳил маҳаллалардан бири. Бу ерда элликдан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Лекин маҳаллада бўладиган тадбирлардан ҳеч ким четда қолмайди. Ўзбекнинг тўйида қозоқ ҳам, татар ҳам, қирғиз ҳам, рус ҳам бирдек бел боғлаб хизмат қилади. Корейс ёки уйғурнинг тадбири ҳам қўшниларининг иштирокисиз ўтмайди.

Маҳаллада байрамларни биргаликда нишонлаш яхши анъанага айланган. Наврўз байрамида маҳалладошлар ҳалим тайёрлашди. Шу баҳонада ҳаёт ташвишлари билан бўлиб бир-бирини учтўрт кун кўрмаганлар дийдорлашди, беморлар, кексаларнинг ҳолидан хабар олинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, дунёда рўй бераётган воқеалар, маҳаллани янада ободонлаштириш, ёшлар тарбияси ҳақида ажойиб суҳбат бўлди. Шунингдек, даврада куй-қўшиқ янгради, маҳалладошлар ўйин-кулгу қилишди. Маҳалла ҳудудида жойлашган 583-боғча болаларининг чиқишлари даврани яна ҳам қизитди.

— Айрим жойларда бир йўлакда ёнма-ён яшайдиган икки қўшни бир-бирини танимайди, — дейди маҳалла фаоли Баҳодир Ибрагимов. —Бизнинг "Баҳористон"да эса ундай эмас. Маҳаллада ўтадиган тадбирларга ҳаммани жалб этамиз. Улар шу ерда танишадилар, кейин борди-келди қилишади. Аслида маҳалланинг вазифаси ҳам шу — одамларни бир-бирига яқинлаштириш-ку.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Қатра

Бу кекса домла доим дарсларга кечикиб келади. Қўлидан китобларга тўла портфелини ҳеч қўймайди. Гўёки бутун бойлиги шунинг ичида турадигандек.
Борди-ю, талабалар бирорта савол билан мурожаат қилишса, дарров портфелини очиб, китоб қидириб кетади. Болалар атайлаб савол бериб домлани чалғитишади.

ПОРТРЕТ

У китоб билан сўзларини исботлагунича дарс тугайди. Лекин баҳога хасис эмас. Ўзингни сал одобли, ниманидир ўрганишга интилаётган қилиб кўрсатсанг бас, баҳоингни оласан.

Бир куни домла дарсга қўлида катта портрет билан кириб келди.

— Бу сизларга совға, маъқулроқ жойга осиб қўйинглар, — деди.

Мунисгина бир аёл акс этган бу портрет хонамизнинг тўридан жой олди.

Иккинчи чорак якунланяпти. Рейтинг дафтарчасига баҳо қўйдириш мавсуми. Талабалар югуриб-еладиган пайт. Бутун бошли курс ҳамма домлаларга баҳо қўйдириб бўлган. Фақат ҳалиги кекса домлани топишнинг иложи йўқ. Уни топиб, ҳамкурсларга ҳам баҳо қўйдириб келиш менинг зиммамга тушди.

Домланинг уй манзилини топиб, йўлга отландим. Эшик қўнғироғини босдим, ичкаридан: «Кираверинг, эшик очиқ», — деган овоз эшитилди. Ичкарига кирдим. Сигарет ҳидига аралашиб кетган мойбўёқнинг ҳиди гуп этиб димоғимга урилди. Торгина хона, бетартиб жойлашган ҳар хил суратлар... Бурчакда бўшаган шишалар. Хонанинг аҳволидан анчадан буён бу ерга аёл кишининг қўли тегмагани сезилиб турарди.

— Ҳойнаҳой, сиз дадамни қидириб келган бўлсангиз керак?

Йигитнинг саволидан хаёлим бўлинди.

— Тоби қочиб, дўхтирга тушиб қолгандилар, — деди йигит. — Ўзлари сал нарсага «переживать» қилаверадилар.

— Сиз рассоммисиз? — сўрадим мен.

— Ҳа рассомман.

— Домла икковларингг шу хонада бирга яшайсизларми?

— Оддийгина расм эди. Хайронман, яна тўртта домла шунақасидан сўраган эмиш.

Бир зумда кўз олдимга хонамиздаги сурат келди.

Домланинг уйидан қайтишда йўл-йўлакай у ҳақда ўйлаб келдим. Унинг кўзлари доим маҳзунлигининг сабабини энди англагандекман.

Кейинчалик бу одамнинг ҳаёти ҳақида суриштириб билдим, бутун умрини илмга бахшида этган домла аёли оламдан ўтгандан сўнг икки фарзандини ўйлаб қайта уйланмаган экан. Негадир домланинг ўғлига ҳам ачиниб кетдим. У чизган портретлар ичида бир неча нусхада чизилган оилавий сурат кўз олдимдан кетмайди: домла, ёшгина аёл, қучоқларида бир ўғил бола ва қизалоқ.

Суратдаги ўғил бола — бояги рассом йигит. Уни кўрган одам шу камсуқум домланинг ўғли эканлигига ишонмайди. Домла эса... Ҳамиша ҳамманинг кўнглига қараган. Ўғлининг кўнгли чўкмасин, истеъдоди синмасин деб, унинг ўзига сездирмай, чизган суратларини маошидан сотиб оладиган домла...

Энди қаерда бирор портретга кўзим тушса, беихтиёр ўша домламиз ва рассом ўғилнинг тақдири ҳақида ўйлайвераман.

Муҳаммад СИДДИҚ.

Санъат

НОГИРОН БОЛАЛАР ОЛАМИ

"Ўзбекистон — Япон-профессионал менежмент дастури ҳомийлик клуби ташаббуси билан ногирон болаларнинг санъат буюмлари ва расмлари кўргазма хайрия бозори бўлиб ўтди.

Унда ногирон болаларнинг ўз қўллари билан чизган суратлари, ишлаган буюмлари, барча ижод намуналарини кўриб, ҳайратда қолдик. Бу болалар дунёга дард билан келганлиги сабабли улар ҳаёт имкониятларидан тўла фойдаланишларига имкон бермайди ёки чегаралаб қўяди. Шу сабаб ҳам улар ўз ҳиссиётларини тасвирларида ифодалашади. Болаларнинг кўзларидаги ўтинч ҳеч кимнинг нигоҳини четлаб ўтмайди. Хайрия бозорида намойиш этилган болалар театрлари, мусиқали концертлар ногирон болаларни ҳамда барча хайрия қатнашчиларини бир зум бўлса-да дунё ташвишларини унутишига сабаб бўлди.

Нуржаҳон АВАЗОВА.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ўзбек Миллий академик театри билан ҳамкорликни йўлга қўйганига анча вақт бўлди. Сурхондарё вилоят кенгашининг М.Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри жамоаси билан ўрнатган алоқасини ҳам бу хайрли ишнинг давоми дейиш мумкин.

«АЯЖОНЛАРИМ» САҲНАДА

Зотан, бошқа санъат даргоҳлари каби театр ҳам миллийлигимизни, миллий ғоя ва урф-одат, анъаналаримизни тарғиб қилувчи, ёш авлоднинг қалбига етказувчи маскандир.

Таваллудининг юз йиллиги нишонланаётган ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг "Аяжонларим" асарини театр жамоаси юксак меҳр ва катта тайёргарлик билан саҳнага олиб чиқди. Спектакль премьерасида иштирок этган партия фаолларидан бир гуруҳи жамоани қизғин табриклади. Премьера барча ихлосмандларда катта таассурот қолдирди.

Спектаклдан кейин ўтказилган тантанали маросимда режиссёр Неъмат Пардаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Йўлдош Мирқурбоновларга вилоят кенгашининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Жуманазар АНОРОВ.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 1934
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 5

Босишга топширилди 20.00

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2007-yil, 2-may, chorshanba, 18 (401)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йилларда-ги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 62 йиллиги муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 50 000 (эллик минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашув ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 апрель

Хотира кечаси

МИЛЛИЙЛИКНИНГ ЖОНКУЯРИ ЭДИ

Сайфи Жалил. Бу инсонни миллий мусиқа ихлосмандлари ажойиб санъаткор, моҳир бастакор сифатида билишади. Биз Сайфи Жалилни партиямизнинг жонкуяр фаолларидан, дарғаларидан бири сифатида ҳамиша хотирлаймиз, қалбимизда сақлаймиз. Тошкент давлат консерваториясининг муҳташам зали лиқ тўла. Яна бир атоқли сафдошимиз, саҳна булбули Муяссархон Раззоқова ижросидаги «Эй ёр, хуш келибсиз» қўшиғи бамисоли Сайфи аканинг лутфи ила ташриф буюрувчиларга пешвоз чиққандек!..

Инсон — ҳаёт гултожи. У шу қадар азизу мукаррам қилиб яратилган. Бу ҳақиқатни англаган кишилар ўзларига берилган умрни хайрли амаллар, ўзларидан яхши ном қолдириш умиди билан яшаб ўтадилар. Ва бундай инсонлар вафотларидан кейин ҳам кишиларнинг тилларида, дилларида яшаб қолаверадилар. Уларнинг иккинчи умрлари шундай давом этади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида ўтказилган Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Сайфи Жалил хотирасига бағишлаб ўтказилган хотира кечасида иштирок этганларнинг кўнглидан юқоридаги мулоҳазалар кечгани шубҳасиз.

— Талабалигимда «Қалбимда» куйини эшитиш учун бир спектаклга уч маротаба тушганман, — дейди «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов. — Лекин ўшанда бу куйнинг ижодкори Сайфи Жалил эканлигини билмагандим. Сайфи ака нафақат беқиёс санъаткор, яхши инсон, чин маънода миллийликнинг жонкуяри эди. Бугунги хотира кечаси Сайфи Жалилни хотирлаш, у кишининг руҳини шод қилиш мақсадида ташкил этилди.

Бастакорлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори, профессор Дилора Муродова ҳам устоз Сайфи Жалил ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

— Мен бугунги йиғилишни фақат хотира эмас, Сайфи аканинг ижодий кечаси деб биламан, — деди Рустам Абдуллаев. — Устоз шундай самимий инсон эди. Халқ меросини яхши билгани, авайлагани учун ҳам унинг асарлари элимиз дилидан мустаҳкам жой олган.

Консерватория ректори Д. Абдуллаева Сайфи Жалил асарларида миллийлик ва замонавийлик уйғунлиги, 1950-1960 йиллардаги бастакорлик изланишларида, умуман миллий мусиқа санъатида устознинг ўрни катта бўлганлигини таъкидлаб, беқиёс санъаткорнинг хотира кечасини уюштириш ишига бош қўшганларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

(Давоми 2-бетда).

Ифтихор

ТУПРОҒИНГ КЎЗИМГА АЙЛАЙ ТЎТИЁ

Ватан сувратига чизгилар

Чет эл сафаридан қайтган танишимиз даврада ўз таассуротларини сўзлаётиб, шундай деди:

— Ўша юртнинг табиати жуда чиройли экан. Одамлари ҳам ажойиб. Бизга иззат кўрсатиб, ажойиб мевалар билан сийлашди. Лекин буларнинг ҳеч бири кўнглимиздаги бўшлиқни тўлдиролмади. Нуқул ўз юртимиз — Ўзбекистон томон интиламиз, бир-биримизга сездирмай ичичимизда кун санаймиз. Шундай кезларда тушуниб етдим, агар кишини ўлдирса Ватан соғинчи ўлдираркан!

Даврага жимлик чўкди. Ҳар биримиз дунёда ҳеч нарсага алишиб бўлмайдиган қадрдон гўша — она юрт ҳақида ўйлардик.

* * *

Самолёт узоқ учди.

Салондаги олтмиш чоғли йўловчининг ранглари докадай оқ. Маълум бўлишича, қанотининг қаерига-дир шикаст етган самолёт бир неча соатдан бери ерга қўнолмаётганмиш!

Парвоз яна ярим соатча давом этди. Ажал билан юзма-юз ўттиз дақиқа! Ахийри, ёрдам гуруҳи етиб келиб, самолёт эсон-омон манзилга етказилди. Ташқарида ёмғир шивалаб ёғарди.

Олтмиш чоғли йўловчи самолётдан тушиши билан бараварига ерга ётиб олишди. Энди ёмғир шариллаб қуяр, йўловчилар эса лойли қўлларини юзларига суркаб Ерни тавоф қилишарди. Сўнг йиғи аралаш кўпчилиги «Ўзингга шукр, мен юртимдаман, энди ўлсам ҳам розиман!» дея пичирлардилар...

Фильм воқеаларидан таъсирланиб ўрнимдан туриб кетдим. Дераза оша ташқарига қарадим. Осмон тип-тиниқ, атроф беғубор, гўзал, қушлар дарахт шохларида тизилишиб чуғурлашарди. Бу манзарадан кўз узолмай қолдим. Қалбимни соғинч туйғуси қамради.

Баъзан Ватанда яшаб туриб, шу Ватанни соғинар экан, киши!

* * *

Бир умр «кураги ерга тегмаган» отаси — Абдураҳмон полвон Алимов билан фахрланиб юрадиган сурхондарёлик асл деҳқон Файзи полвон суҳбатимиз чоғида қизиқ бир воқеани гапириб берганди:

— Қайсидир йили чет элга бордик. Нонушта маҳали бизни орасига япроқдек гўшт солинган нон бутерброди билан сийлашди. Мен ҳайрон қолдим. Холаҳволлашиш йўқ, олинг-олинг йўқ. Ахир, олисдан борган меҳмон бўлсак... Ўша ерда ўтириб ўзимизнинг юртимизни ўйлаб кетдим. Биз чет элдан бўлмаса-да, шундоққина қўшни шаҳардан келган меҳмоннинг оёқлари тагига албатта қўй юмалатамиз. Шундай қилмасак, ҳеч кўнглимиз жойига тушмайди. Эртакларда доврўғи чиққан Ҳотамтой ҳам бизнинг юртдан чиққан бўлса керак, бунга нима дейсиз? Барибир, бизнинг Ўзбекистон бошқача-да!

* * *

Мен Шаҳноза Худойназарович Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари орасида учратдим. Танишдик. Тез-тез суҳбатлашиб турамиз. У яқинда университетни имтиёзли битириб чиқди. Ўқиш давомида бир қанча тилларни ўрганди. Ҳозир инглиз тилида бемалол сўзлашиб кетаверади. Бунинг устига Шаҳноза яхшигина ижодкор. «Дарё бўл, қалбим» шеърий тўплами нашрдан чиққан кунларда севина-севина ёнимга келди. Мен китобчанинг илк саҳифасини очдиму шеър сарлавҳасига кўзим тушди. «Ватанни асра, йигит». Шеърнинг охирги тўртлиги шундай якунланади:

Замонлар ўзгарар, ўзгарар дунё,
Омад, бахт, ғалаба — мангулик эмас.
Билгинки, ҳар неки исёнлар ичра
Биз фақат Ватанни асраб қолсак бас!

Бу сатрларни ўқиб қувондим.

Ёшларимиз Ватан туйғусини худди аждодлари каби жуда теран ҳис эта олаётганликларини ўйлаб яна бир бор энтикдим.

* * *

Иқтисод билимдони Мунаввар Ўлғин асли Нью-Йоркда туғилиб-ўсган бўлса-да, ҳар битта ўзбекистонликни «ҳамюртим» деб атайди.

— Отамнинг киндик қони тўкилган она Туркистон билан чексиз фахрланаман, — дейди у. — Отамнинг бу юртга меҳру муҳаббати баланд. Аммо Ўзбекистонга бўлган менинг муҳаббатим отамникидан-да кучлироқдир!

* * *

Эски қўлёзмаларимни кўздан кечираётиб, қачонлардир қоралаганим — тўрт сатр шеър диққатимни тортди.

Муқаддассан юртим...
Бағрингни кўмсаб
Абадий армон-ла
ўтганлар ҳам бор.
Бир сиқим тупроғинг
кўксига жойлаб,
Хорижда қабрга
қўйилган бир чол!

Ўйладим, дунёда Ватандан азизроқ маскан, унинг меҳридан улканроқ соғинч йўқ. Ватан туйғуси томирларимиздаги қон билан бирга оқади, гавҳартош каби юрагимизнинг ич-ичларини ёритиб туради. Ватан — муқаддас, Ватан азиз, Ватан — қадрли!

Сени озод ва обод кўрмоқликдан кўра улуғроқ бахт бормикин дунёда?! Мен ҳам биттагина кўзмунчоғинг бўлиб сени асрасам дейман, Ватан!

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Таклиф, мулоҳаза

САХОВАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

Бу ёруғ дунёда одам пайдо бўлибдики, эртанги кун умиди билан яшайди. Барқарор келажак учун эзгу ният ва орзулар оғушида тинмай меҳнат қилади. Авлодларга обод ва озод юрт қолдиришга интилади. Айниқса, бундай хислатлар бизнинг ҳалқимизга хос устувор хусусиятдир.

Яхши одамлар ҳар тонгни кўриб, Яратганга беадад шукроналар айтади. Ахир, бундай файзиёб дамлар ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да. Негаки, кўз тегмасин, мамлакатимизда тинч ҳаёт барқарор бўлиб турибди. Яратувчанлик ишида халқимизнинг азму шижоати баланд. Осмонимиз мусаффолиги, кўзланган мақсад, Юртбошимизнинг собитқадам сиёсати, халқаро майдондаги Ўзбекистон мавқеининг ортиб бораётгани фуқароларимизни иштиёқ билан яшашга ундаяпти. Лекин бунга осонликча эришилаётгани йўқ.

Ойнаи жаҳонга боқинг, кўп нарсаларни англаб оласиз. Ҳамон давом этаётган Ироқдаги мақсадсиз уруш, Афғонистондаги нотинчлик мамлакатлар тақдирини мавҳумлаштириб қўймоқда. Меҳр-оқибат узоқлашмоқда, болалар келажагини тасаввур этиш мушкул.

Бирни кўриб шукр қил, бирни кўриб фикр қил, дейди доно халқимиз. Шу суҳбат асносида мустақилликка эришиш арафасида кўпни кўрган бир отахоннинг гаплари ёдимга тушди. Биз темир йўл ёқалаб бораётгандик.

— Мана, ўғлим, бу темир йўллар мамлакатнинг қон томири ҳисобланади, — деди у жиддий қиёфада. — Истиқлол, истиқлол дейсизлар. Бизнинг қўлимиздан бундай ишлар келмайди. Қудратли давлатгина буни амалга оширади.

Очиғи, ёши катта одамни ранжитишга кўнглим бормади. Қизилқум бағридан Учқудуқ-Мискин-Нукус йўналишида темир йўли қурилди. Бугунги кунда метин қояларни ҳам ўпириб Тошгўзар-Ғузор-Қумқўрғон темир йўлларини мустақил равишда қурмоқдамиз. Яна буни ўз кучимиз билан. Бу — мустақиллик берган қудрат эмасми? Бу — мислсиз жасорат эмасми? Мана, мустақилликнинг шарофати!.. Ўша гапни айтган отахон ҳаёт бўлсалар, мамлакат тараққиётини кўриб, янглишганларини сезиб турган бўлсалар, ажабмас. Ахир, ўзликни англашгина мўъжизалар яратиш қудратини бериши аён-ку!

Ҳаётимиз тараққиёт сари дадил қадам ташламоқда. Ишлаб чиқариш корхоналарида юксак технологиялар жорий қилиняпти. Қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатининг авж олиши сабабли маҳсулот сероблиги ошиб бораяпти. Бунинг учун мамлакатимизда кенг инфратузилмалар ташкил қилинган. Кундан-кунга тадбиркорликка янги-янги имкониятлар, шарт-шароитлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, кўп нарса ўзимизга боғлиқ бўлиб турибди. Аммо тараққиётни янада жадаллаштириш учун барчамиздан миллатпарварлик туйғуси ҳам талаб қилинадики, бу ҳақда гапирмаса бўлмайди.

Шаҳар ва қишлоқларимиз тобора обод бўлиб бораяпти. Гўзаллашаётган юртни кўриб, беихтиёр қувонасиз, кўнглингиз кўтарилади. Миллий меъморчилигимиз асосида қад кўтараётган бинолар яна жаҳон оммасини ҳайратга солаётир. Президентимиз халқимизга қарата:

— Уй қурсангиз, пишиқ ғиштдан қуринг, у ҳовлида бир неча авлодингиз хотиржам яшасинлар. Биздан озод ва обод юрт қолсин! — дегандилар.

(Давоми 2-бетда).

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Қонуний никоҳ оила мустаҳкамлигидир" мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Ангрен шаҳар кенгаши томонидан "Ахборот хуружлари шароитида ёшлар билан ишлаш" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ташаббуси билан "Миллий ва маънавий қадриятлар, миллий анъаналар — миллатимиз хазинасидир" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Вобкент туман кенгаши томонидан "Нақшбандия тариқатининг илмий-маданий асослари" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

ЎзМТДП Ғаллаорол туман кенгаши ташаббуси билан "Миллий қадриятларимиз — бебаҳо бойлигимиз" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Дўстлик туман кенгаши ташаббуси билан "Ёшларни касбга йўналтириш — давр тақозоси" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Чимбой туман кенгаши томонидан "Ватан — ягона оила" мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда "Миллий ва маънавий қадриятлар" мавзуида давра суҳбати ўтказди.

* * *

ЎзМТДП С. Раҳимов туман кенгаши ташаббуси билан "Миллий тикланиш ва ёшлар маънавияти" мавзуида тадбир ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Нурота туман кенгаши томонидан "Хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш" мавзуида учрашув уюштирилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Матбуот хизмати.

Вилоят кенгашларида

САФДОШЛАР ИШИ ОММАЛАШТИРИЛАДИ

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман кенгаши раислари, вилоят ва шаҳар, туман кенгаши депутатлари иштирок этишди.

Тадбирда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан партиямиз олдига қўйилган вазифалар тўғрисида сўз борди ва бошқа бир қанча масалалар кўрилди.

Шунингдек, йиғилишда жорий йилнинг 1 декабрига қадар вилоят кенгаши томонидан "Вилоятнинг энг фаол кенгаши"ни аниқлаш, жорий йилнинг 20 ноябригача "Энг яхши бошланғич партия ташкилоти" кўрик-танловларини шаҳар ва туман миқёсида ўтказилиши режалаштирилди. Бундан ташқари, вилоятда "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" иш фаолиятини ўрганиш мақсадида иқтидорли ёшларнинг ишларини фаоллаштириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва шаҳар, туман кенгашлари миқёсида турли мавзуларда кўрик-танловларни йил давомида ўтказиб бориш режаси тасдиқланди.

Д.АҲМЕДОВА,
ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши бош мутахассиси.

Меросимиз — фахримиз

ФОРУМДА ДЎСТЛАШДИЛАР

Тошкент ислом университетида республика олий ўқув юртлари талабаларининг катта форуми бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳрининг Ислом маданияти пойтахти деб номланиши муносабати билан ўтказилган мазкур анжуманга мамлакатимиз олий ўқув юртларидан магистр ва талабалар таклиф этилди. Улар бу ердаги талаба ёшларнинг ҳаёти билан танишдилар, «Меросимиз — фахримиз» мавзусида ўтказилган танловда қатнашдилар. Тадбир иштирокчилари исломшунослик, маданиятшунослик, тарихшунослик, ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича маърузалар ўқишди. Университет манбалар хазинаси, Шайхонтоҳур ва Юнусхон тарихий обида мажмуалари билан танишдилар. Айниқса, тенгдошлари тайёрлаган расм, амалий санъат, безак, наққошлик, тарихий ёдгорликлар кўргазмалари меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Дастур доирасида талабаларнинг билимлари яна бир карра синовдан ўтказилди. Улар викторина ўйинларида қатнашдилар.

Анжуман сўнгида ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Муҳими, мамлакатимиз олий ўқув юртларидаги ёшлар бир-бирлари билан дўстлашдилар.

Адолатхон РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицей талабаси.

МИЛЛИЙЛИКНИНГ ЖОНКУЯРИ ЭДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбек санъати пешқадамлари, онахон санъаткорлар Ўзбекистон халқ артистлари Саодат Қобулова, Коммуна Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Клара Жалилованинг чиқишлари кеча файзига файз қўшди. Коммуна Исмоилованинг «Теримчи қизлар», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матлуба Дадабоева ижросидаги «Ноз этма» қўшиғи, Клара Жалилованинг ижролари иштирокчиларнинг аксариятига ёшлик йилларини эслатди.

— Сайфижон талабчан эди. Бир қўшиқни яратиб, аввало ўзи айтар, маромига етгачгина бирон хонандага беришни лозим кўрарди. 1951-1957 йилларда бир жамоада ишладик. У киши мен учун ёзган қўшиқларни кўплаб мамлакатларда куйладим, олқишлар олдим. Сайфижоннинг санъатдаги энг ибратли томонларидан бири унинг асарлари ҳеч қачон битта мавзуда чекланмасди. Инсон, мураббий-устоз сифатида ҳам беназир эди, — деди К. Исмоилова.

— Устоз Турғун Алиматовдек нозиктаъб санъаткор учун куй басталаганларининг ўзиёқ Сайфи аканинг қандай ижодкор эканлигини билдиради, — деди Исроилжон Ваҳобов. — Бизга жуда кўп қўшиқлар ўргатганлар. Атойи ғазали билан айтиладиган «Жамолинг васфи» қўшиғи ҳам шулар жумласидан. Устозлик, инсонлик илмини Сайфи акадан ўрганмоқ жоиз десак, тўғри бўлади.

Ижодкорнинг асарлари халқчил бўлгандагина кишилар кўнглидан жой олади. Кечада сўзга чиққанлар С. Жалил асарларининг айни шу жиҳатига эътибор қаратдилар. Ижодкорнинг турмуш ўртоғи Роза опанинг сўзлари устознинг ҳаётда ҳам ўзига хос инсон бўлганлигини йиғилганларга яна бир бор намоён қилди.

— У киши миллийликка эътибор берардилар. Хоналарида барча ўзбек чолғу асбобларидан бор эди. Бу созларнинг ҳаммасида жуда яхши чалардилар. Айниқса, қўшиқ матнларига катта эътибор берарди. Мен ишонаман, бугунги эстрада йўналишида ижод қилаётган ёшларимиз орадан ўттиз, балки эллик йил ўтар, Сайфи Жалил асарларига мурожаат қиладилар. Чунки халқона асарлар ҳеч қачон ўлмайди, янги-янги ижроларда санъаткорнинг иккинчи умри сифатида яшайди.

Яхши инсонлар ҳеч қачон ўлмайдилар. Улардан қолган мерос эса халқники. Ўзбек халқи ҳам ўзи учун бебаҳо мерос қолдирган беназир санъаткор Сайфи Жалил номини эъзозлаб, доимо эҳтиром билан тилга олмоғи шубҳасиздир.

— Ҳозир бастакор кўп, мусиқа яратаётганлар кўп, лекин ҳақиқий мусиқа эса оз. Миллионлаб мухлисларнинг дилидан, қалбидан жой оладиган юксак мақомдаги мусиқа асарларини яратиш, мусиқа маданиятини эъзозлашимиз учун ҳам худди мана шундай учрашувлар, тадбирларни кўп-кўп ўтказиб турмоғимиз зарур. Сайфи акани ёд олиб ўтказган ушбу оқшомимиз ҳам ана шундай эзгу ниятларга хизмат қилади.

Халқ артисти Коммуна ая Исмоилованинг бу сўзлари унутилмас оқшом саҳнасига битилган шиордек жаранглади.

Зумрад ВАҲОБОВА, «Миллий тикланиш» мухбири.

Партия ҳаёти

Ҳар бир партиянинг жамиятдаги нуфузи ва ўрнини унинг аҳоли билан алоқаси белгилаб беради. Табиийки, партия ишининг ташкил этилиши ҳар бир вилоят кенгаши фаолияти билан узвий боғлиқдир. ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида кенгаш раиси ўринбосари Абдулла ХОЛМИРЗАЕВга бир нечта саволлар билан мурожаат қилдик.

ИШДА ЖОНЛАНИШ БЎЛСИН ДЕСАК...

— Суҳбатимиз аввалида партия аъзолари, жойларда ташкил этилган бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳақида маълумот берсангиз. Партия кенгашида муаммоларни ҳал этиш қандай йўлга қўйилган?

— Бугунги кунда вилоятимизда 3000 нафардан зиёд партия аъзоси бор. Жойларда 242 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда. Иш жараёнида уларнинг таклиф-мулоҳазаларини инобатга олиш, йиғилишларда партия сафларига фидойи, жонкуяр кишиларни жалб қилиш, шу орқали партия ишини жонлантириш бизнинг бош мақсадимиздир. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйишда ЎзМТДП Уставига таянамиз, албатта. Фаолларимиз билан биргаликда турли мавзуларда тадбирлар, суҳбат ва мулоқотлар уюштирилмоқда. Бироқ тан олиб айтишимиз керак, камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Юқори партия ташкилотлари иши билан қуйи бўғинлардаги аъзоларни таништириб бориш, уларнинг фикрларини ўрганиш, умумлаштириш каби тадбирлар қийинчилик билан кечмоқда. Ўйлайманки, вақти келиб бу муаммолар барҳам топади. Чунки кейинги вақтда бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида режа асосида иш олиб бориляпти.

— Режалар қоғозда қолиб кетмаслиги учун иш пухта ташкил қилиниши, пойдевор мустаҳкам бўлиши керак, албатта. Сизнингча, вилоят кенгашининг «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» фаолиятини қандай баҳолайсиз?

— Тўғри, улар бизнинг икки қанотимиз, ишларимизнинг ижрочиларидир. Ҳозир «Аёллар қаноти»ни Гулсара Элхонова бошқариб келмоқда. Ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган ўқув-семинаридан кейин «Аёллар қаноти» фаолиятида анча ўзгаришлар юз берди. Ҳозирда қарийб барча туман кенгашларида «Аёллар қаноти» фаолият юритиб келмоқда. ЎзМТДП Марказий кенгаши раҳбарлари билан вилоят кенгашида ўтказилган учрашувда иштирок этган фаоллар ўзлари учун тегишли йўналишларни белгилаб олишди. «Ёшлар қаноти» нисбатан кечроқ, ўтган йилнинг ёзида тузилганди. Айни пайтда шаклланиш жараёнида. ТерДУ талабаси, «Қишки мактаб» битирувчиси Саида Эшмуродова «Ёшлар қаноти» ишини бошқариб келмоқда. У ёш бўлишига қарамай, ўзига талабчан, бир гуруҳ фаолларимиз кўмагида иш режасини тузиб олди. Барча туман ва шаҳар кенгашлари раислари, ёшлар иштирокида ўқув-тренинг машғулотларини ташкиллаштириш ҳаракатида юрибди.

— Партия фаолиятини янада жонлантириш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Агар ишимизда жонланиш бўлсин десак, биринчи навбатда жамоат ишига жон қойитадиган кадрларни тўплаш керак. Табиийки, малакали кадрларга етарлича рағбат ҳам зарур. Ходимларнинг билим ва тажрибаларидан оқилона фойдаланиб, яъни уларнинг ёрдами туфайли ёшларнинг сиёсий билимларини ошириш ва иш услубларини белгилаб олишларига эришишимиз лозим. Ана шундагина фаолиятимиз янада кенг қулоч ёзади, режалар тезроқ амалга ошади, деб ўйлайман.

— Бу масаланинг бир жиҳати. Аслида имкон даражасидан келиб чиқиб ишлаш ҳам оз бўлса-да, ўзгаришларга, ютуқларга замин яратади. Қолаверса, мавжуд кадрлар захирасининг иш сифатини яхшилаш бошқа вилоят кенгашлари қаторида яхши суръатда ишлаш, аҳоли билан етарли даражада муносабат, мулоқот ўрнатилишини таъминлайди. Шу маънода вилоятда фаоллар иштирокида ўтадиган йиғилишларда кўпроқ қайси мавзулар муҳокамасига эътибор берилаётир? Қайсилари эътибордан четда қолиб кетмоқда?

— Йиғилишларда кўпроқ қонунларнинг мазмун-моҳияти ва ижроси, мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ва эришилаётган ютуқлар, аёллар ва ёшларнинг жамиятдаги ўрни, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби мавзулар муҳокамасига эътибор қилинмоқда. Бундан ташқари, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни тиклаш, асраб-авайлаш, уларни ёш авлоднинг қалбига етказиш мақсадида ўқув масканларида ўқувчи, талаба ёшлар иштирокида учрашувлар, мулоқотлар ўтказилаётир. Галдаги вазифаларимиз ҳам етарли. Жумладан, ўтган сайловларда ишларимиздаги камчиликлар, сусткашликлар сезилиб қолди. Бу сафар бундай бўлмаслиги учун ҳозирдан ҳаракат керак. Ҳар сафар йиғилишларда шу ҳақда сўз боради. Энг муҳими, ишимизни жадаллаштиришга эришиш учун фаоллардан янада фаоллик, партиядошлардан ҳамжиҳатлик, фидойилик талаб этилади.

— Вилоят кенгаши депутатлар гуруҳи билан ҳамкорликда қандай ишлар олиб бормоқда?

— Ўтган сайловларда халқ депутатлари вилоят кенгашига икки киши депутат этиб сайланганди. Шаҳар ва туман кенгашларида депутатларимиз мавжуд эмас. Депутатлар Э. Болтаев ва А. Мажидовлар ЎзМТДП вилоят кенгаши йиғилишларида қатнашади, лекин уларнинг вилоят кенгаши билан ҳамкорлик фаолиятини етарли даражада деб бўлмайди. Бунга ҳар икки томоннинг ишида ҳам етарлича тажриба, қолаверса, кунт йўқлиги сабаб. Вилоят кенгаши фаолияти муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бизга ўринли танбеҳ берилди. Келгусида амалга ошириладиган ишлар режасини тузиб чиқдик. Ўйлайманки, энди ҳамма гап уларни амалга оширишда қолди.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА суҳбатлашди.

Истиқлол берган имкон

ЖУРНАЛИСТ АЁЛЛАР ЁДИ

Тарихнинг суронли йиллари, истиқлол йўлидаги минглаб қурбонларнинг аянчли қисмати, қатағон қурбони бўлиб, гулдек умри эрта хазон бўлган зиёлиларимизнинг аччиқ кечмишини унутиб бўладими? Йўқ, албатта. Ҳаётда ҳеч бир қувончга, бахтга осонликча эришиб бўлмас экан.

Буни мозийдаги миллатдошларимизнинг, айниқса, зиёлиларнинг эрта сўнган умри исботлаб турибди. Бугунги тинч, осуда ҳаётнинг, истиқлолнинг қадрини билиш учун биргина ўзбек матбуоти, адабиёти тарихига назар ташлашнинг ўзи кифоя. Биз билган, билмаган минглаб тўғри сўзли, миллатнинг шаъни учун қайғурадиган ёрқин истеъдод соҳибларининг ҳаёт дарахтига турли хил фитналар, ёлғону бўҳтонлар билан болта урилди...

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши «Саодат» журнали таҳририяти билан ҳамкорликда "Хотира уйғонса гўзалдир" номли хотира анжумани ўтказди. Тадбир "Саодат"нинг ўтмишдоши "Янги йўл" журналининг масъул муҳаррирлари Тожихон Шодиева, Собира Холдорова, Хосиятхон Тиллахоновалар таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ташкиллаштирилди.

Кечада Ўзбекистон халқ шоири, "Саодат" журнали бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева сўз олиб, ўзбек матбуоти тарихига салмоқли ҳисса қўшган, аммо қисмати аянчли ва машаққатли кечган журналист аёлларни хотирлаб, уларни "чақмоқ урган дарахтлар"га қиёслади. Ўтган асрнинг биринчи чорагида "Янги йўл" газетаси, сўнг шу номдаги журнал минбаридан туриб минглаб аёлларни эзгулик сари ундаган, миллатимизнинг ёниқ, ёрқин машъалалари саналган бу фозила аёлларнинг серғайратлиги, қатъияти барчамизга ибрат бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, халқ шоири Ҳалима Худойбердиева, «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, филология фанлари доктори Наим Каримов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимовалар сўзга чиқиб, ўзбек матбуоти тарихи, аёл боши билан жамият ҳаётида фидойилик кўрсатиб, қатағон қурбони бўлган зиёли, журналист аёлларнинг аччиқ қисмати, истиқлол йилларидаги ўзгаришлар ҳақида гапиришди.

Анжуманда Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров, "Гулистон" журнали бош муҳаррири, шоир Азим Суюн, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Раъно Зарипова, Мунира Қориева, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, шунингдек, партия фаоллари ва журналистлар иштирок этишди. Тадбирни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Ҳуршид Дўстмуҳамедов олиб борди.

Анжуманда Тожихон Шодиеванинг набираси Дилфуза Хўжаева, Собира Холдорованинг қизи Манзура Усмонова, набираси Комил Назаров ҳамда Хосиятхон Тиллахонованинг келини Муфаззал Валиевалар сўзга чиқиб, ўша машъум йилларда бу зиёли аёлларнинг оила аъзолари ҳаёти ҳам тазйиқ остида қолгани, уларнинг турмуш ўртоқлари бошида ҳам қатағон қиличлари ўйнаганини ўкинч билан эслашди, уларнинг номи оқланиши истиқлол шарофати эканини айтиб, тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришди.

Башорат ОТАЖОНОВА.

САХОВАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БОРМИ?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳозир кўпчилик шу ўгитга амал қилаяпти. Бироқ ҳамма ҳам шуни тўғри тушундими? Янги шароитда тадбиркорликнинг янгича муносабатлари вужудга келмоқдаки, унинг айримлари ҳақида фикр юритишни жоиз деб топдик.

Яқинда йўлим тушиб, уй бозорига бордим. У ерда бир-бирини такрорламайдиган, миллий меъморчилик асосида қурилган, кўнгилни равшан қиладиган ҳовлилар сотилмоқда. Нархи ҳам шунга яраша: 150 мингдан 1 миллион долларгача. Йигитчадан сўрадим:

— Шу уйлар сизларникими? Ўзингиз қурганмисизлар?

— Ака, бизнинг тирикчилигимиз — шу. Уй қуриб, сотамиз. Бу ҳам бир тадбиркорлик-да, — деди у.

Рости, ўйланиб қолдим. Тўғри, озод юртда ҳар ким билганини қилади. Ҳалол меҳнатнинг ёмон жойи йўқ. Бунинг устига, бировнинг пулини ҳисоблаш одоб доирасида ҳам эмас. Бироқ шунча маблағга эга бўлган шахс нега кичик корхона ёки бирор ишлаб чиқариш иншооти қурмайди? Агар шундай қилинса, қанчадан-қанча янги иш ўринлари яратилмайдими? Бу билан аҳолининг ишсиз қатламини фойдали меҳнатга жалб қилиши мумкин-ку. Ўзи кўчмас мулкка эга бўлади, яна қанча хонадонда қозон қайнайди-ку. Бундан ташқари, давлат бюджетига ҳам анча маблағ тушади. Саховатнинг тури кўп. Миллатпарварлик ана шундай олижаноб ишларда кўринади. Мустақиллик кенг имкониятларни яратиб берган экан, ундан аниқ мақсадларни кўзлаб иш тутсак, айни муддао бўларди.

Ҳар тонгни кўриб,
шукрона айтинг,
Ҳар тонгни кўриб,
саховат қилинг...

Муродулла ҒАФУРОВ.

Истиқлол фермерларга кенг имкониятлар эшигини очди. Бу имкониятлардан фойдалана билганлар аҳоли турмуш фаровонлигига ҳисса қўшмоқдалар. Қоракўл туманидаги кўзга кўринган фермерлардан бири Тангир ака Шукуровдир. У раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги ҳар йили ғалла, пахта етиштириш режаларини ортиғи билан бажариб келади. Олаётган соф фойдасидан аҳолининг ижтимоий ҳимояси учун ҳам маблағ сарфлаётганлиги айни муддаодир.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Муаммо

ДАСТУРХОНДА НЕГА БАЛИҚ КАМ?

Балиқнинг турган-битгани фойдалилигини Абу Райҳон Беруний ҳам таъкидлаган. Тиббиёт балиқ одам организми учун энг керакли кимёвий элементлар — кальций, фосфор, темир, йод, фтор моддалари ва бошқа турдаги микроэлементларга бой эканлигини аниқлаган. Шунингдек, аллома Абу Али ибн Сино балиқ гўштининг инсон организмига фойдали хусусиятларини аниқлаш устида иш олиб бориб, ундан олинган ёғ-мой билан болаларнинг рахит-суяк касаллигини даволаб, унинг тиббиётда муҳим аҳамиятга эга эканлигини исботлаб берган.

Бу шифобахш неъматнинг ниҳоятда фойдали эканлигини бугунги тиббиёт ходимлари ҳам бот-бот айтиб туришади.

— Кўпинча баъзи оналар боласи икки ёшга тўлаётгани, бироқ ҳалигача юриб кетолмаётганидан нолиб қолишади, — дейди болалар шифокори Тўхтасин Маликов. — Бундай ҳолат болаларда оёқ суягининг танани кўтара олмаслиги, организмда кальций ва фосфор моддаларининг етишмаслигидан келиб чиқади. Ана шундай болаларга қилтаноғи йўқ усач, илонтоши каби балиқлар қовуриб берилса кифоя, улар кўп вақт ўтмай юриб кетишади.

Балиқ гўшти таркибида кўп ҳайвонлар гўштида учрамайдиган аминокислоталар бор. Ҳайдаркўл ва Тузкон кўлларида етиштирилаётган лаққа, сом, усач, осетра, карп ва бошқа хил балиқлар гўшти инсон организмига қувват бағишлаб, ёш болаларда учрайдиган рахит, асаб касалликларини даволашда қўл келади.

Демак, шундай экан, етти хазинанинг бири бўлмиш балиқчиликка эътибор Жиззах вилоятида қай аҳволда? Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, дейишади. Ҳақиқатан ҳам ана шундай. Ёнгинамизда Ҳайдаркўл ва Тузкон кўллари жойлашган. Бир вақтлар улар ўзининг шифобахш балиқ ва балиқ маҳсулотлари билан нафақат республикамизда, балки қўшни давлатларда ҳам маълуму машҳур эди. Бугунга келиб кўлда балиқ камайиб кетганми, ҳайтовур одамлар тўйиб балиқ истеъмол қилишмаяпти. Катталарни-ку қўя турайлик, болалар балиқ ейишаяптими? Буни мактабгача таълим муассасалари мисолида бир таҳлил қилиб кўрсак. Масалан, Дўстлик туман халқ таълими бўлимига қарашли 17 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда салкам 3 мингга яқин бола тарбияланади. Уларга барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий болалар боғчалари, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар болалар ихтиёрида. Бироқ озиқ-овқатдаги балиқ маҳсулотларига келсак... Мутасаддилар берган маълумотларга қараганда, ҳар йили 8-9 тонна атрофида балиқ ва балиқ маҳсулотлари олиш керак бўлгани ҳолда, боғчалар бу маҳсулотларнинг ҳаммасини ололмаяптилар.

Демак, улар куннинг асосий қисмини боғчада ўтказиб, балиқ емаяпти. Кечки нонуштада ҳам айрим оилаларни айтмаганда, балиқ тановул қилинмаяпти. Бу маҳсулотлар билан таъминлаш "Махсуссавдо" фирмаси зиммасида. Улар, назаримизда, алдагани бола яхши қабилида иш тутишмоқда. Бундай ҳолни вилоятнинг бошқа туманларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, Арнасой, Мирзачўл, Пахтакор, Зафаробод, Зарбдор, Жиззах туманлари бунга мисол бўла олади. Бир пайтлар дорихоналарда балиқ мойи сотилар эди. У ҳам мана бир неча йилдирки, анқонинг уруғи бўлиб қолди. Маълумки, 2003 йил 31 августда Вазирлар Маҳкамасининг "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Унга кўра тармоқ фаолиятида ижобий ўзгаришлар бўлди. "Ўзбалиқ" акциядорлик компанияси тугатилиб, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси тузилди. Вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Хўш, унда нимага балиқ камайиб кетди, деган савол туғилиши мумкин. Балки Ҳайдаркўл ҳавзасида балиқлар ростданам камайиб кетгандир, дерсиз. Йўқ, ундай эмас. Балиқ овловчиларнинг гапига кўра, балиқ кўп. Ҳайдаркўлда 12 хилдан ортиқ балиқ мавжуд. Кўл сатҳи ҳам йилдан йилга кенгайиб бораяпти. Аслида гап бошқа ёқда. "Броконьерлар" кўл эгаси бўлиб олишган кўринади. "Арнасой — Тошкент", "Арнасой — Самарқанд" йўналишларида қатнайдиган автоуловларда ва бошқа тур машиналарда ҳеч бўлмаганда ҳафта-ўн кунда ишбилармон чаққон балиқфурушларнинг қоплаб бу маҳсулотларни олиб кетаётганини кўриш мумкин. Ёки чўл туманларида одамларнинг харидор қидириб балиқ сотиб юришига нима дейсиз?

"Океан" дўконлари эшигига мана бир неча йилдирки, отнинг калласидек қулфлар осиғлиқ турибди ёки бузиб ташланган. Нима бўлганда ҳам балиқчиликни ривожлантириш вақти етди, деб ўйлаймиз. Вилоятда бунинг имконияти бор. Фақат тадбиркорлик ва ишбилармонлик керак.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, "Миллий тикланиш" мухбири.

Маданий тадбир

ТОШКЕНТДА ЖАЙҲУН ГУЛЛАРИ

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари бўлади. Қорақалпоқ халқ маданияти ҳам қадимийлиги ва кўҳналиги билан қадрли. Бу элнинг бой мероси халқимизнинг қадим маданияти билан узвий боғлиқ. Икки миллат ўртасидаги дўстона муносабатлар асрлар мобайнида мустаҳкамланиб бормоқда.

Республика Байналмилал маданият марказида "Саодат" журнали ташаббуси билан ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳамкорлигида "Жайҳун гуллари" номли маданий тадбир ўтказилди. Мушоира ва давра суҳбати тарзида ўтган анжуманни Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева бошқарди.

Тадбир аввалида Қорақалпоғистон халқ шоири, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулистон Аннақиличева сўзга чиқиб, қорақалпоқ халқининг тарихи, асрий анъаналари ва удумлари ҳақида гапирди. Шундан сўнг, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедовга сўз берилди.

Йиғилишда бир гуруҳ партиямиз фаоллари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Раъно Зарипова, Шарифа Салимова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Қутлибека Раҳимбоевалар иштирок этишди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Гулпаршын Сырымбетова миллий қўшиқлари билан даврага файз киритди.

Гули ОЛИМОВА.

Партиядошларимиз

ҲАМ ДЕПУТАТ, ҲАМ МОЛИЯЧИ

Баҳодир Жумаев Навоий шаҳридаги "Савдогар" банкни бошқариш билан бирга, "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши аъзоси, шаҳар кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият юритиб келмоқда. У зиммасидаги вазифаларни пухта уддалаш билан бирга, партия ҳаётида ҳам самарали фаолият кўрсатаётганлардан. Бугунги кунда "Савдогар" акциядорлик тижорат банки вилоят филиали юртдошларимизга намунали банк хизмати кўрсатмоқда.

Юртимизда молия-банк тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида бу соҳа ривожланиб, аҳолига бир қатор қулайликлар яратилди. Юртбошимиз Фармонига кўра, "Савдогар" банк Ўзбекистон – Германия "Савдогар" акциядорлик тижорат банкига айлантирилиб, қайта ташкил этилди. Бугунги кунда банкнинг 2 та мини банки, 2 та валюта айирбошлаш шахобчаси ишлаб турибди. Жорий йилнинг биринчи чорагида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашга 91 миллион сўм ажратилиб, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга 7 миллион сўмдан зиёд пул берилди.

Темур БАХТИЁРОВ.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ЮКСАК ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Ўтганлар руҳини шод этиш, ёши улуғ нуронийларни қадрлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимиз қайта тикланиб, аждодларимизнинг эзгу анъаналари янгича маъно ва мазмун касб этди. Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилингани бунинг ёрқин далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони юртимизда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди. Айни пайтда мазкур фармон ижросини таъминлаш, Хотира ва қадрлаш кунини кўтаринки рухда ўтказиш учун жойларда пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Ёлғиз, боқувчисини йўқотган кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олинмоқда.

— Вилоятимизда икки минг нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари истиқомат қилади, — дейди «Нуроний» жамғармасининг Фарғона вилоят бўлими раиси Усмонжон Бегматов. — Уларнинг ўгит ва насиҳатларидан, ҳаётий тажрибаларидан ёшларни баҳраманд этиш мақсадида турли учрашув ва мулоқотлар ташкил этиш анъанага айланган. Байрам арафасида бундай учрашувлар ҳар бир маҳалла, таълим-тарбия муассасаларида бўлиб ўтмоқда.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



Мамарайим етти ёшга етар-етмас ота-онасидан жудо бўлгач, оилада синглиси-ю акаси билан қолди. Акаси уни эски мактабга берди. Аммо очлик ва юпунлик уни ҳам ўзгалар эшигида ишлашга мажбур этди. Акаси ёнида қўш қўшиб, ер ҳайдади, дон-дун экиб, дала юмушларини бажарди.

Деҳқоннинг машаққатли дала меҳнатини у ўз кўзи билан кўраркан, буларнинг барчасини 1935 йилда хўжаликка раҳбар қилиб сайланганида техника гарданига юклашга жазм этди. Шу орада пахта ҳосилдорлиги кўтарилди. Галла, чорва ва бошқа соҳаларда силжишлар бўлди. Ана шу меҳнатлари, эл-юртга бўлган меҳри туфайли Мамарайим иккинчи жаҳон уруши арафасида қишлоқ кенгаши раислигига сайланади. Унинг таркибига бир неча жамоа хўжаликлари қарар эди.

1942 йилда М. Ярлақабов Пайариқ туман аҳолисининг жангчилар учун юборган совғаларига бош бўлиб 1-Украина фронтига боради. Жанггоҳлардаги мудҳиш воқеаларни ўз кўзи билан кўраркан, ўзбек йигитларига совға-саломларни етказади ва 1943 йилда яна она қишлоқ бағрига қайтиб келиб, энг оғир дамларда ўз хўжалигида раис бўлиб фаолият кўрсата бошлайди.

М. Ярлақабов бошлиқ хўжаликда машина-трактор парки, клуб, идора, болалар боғчалари, қатор мактаблар, аҳоли учун уй-жойлару замонавий йўллар барпо қилинди. Хўжалик иқтисоди, техника таъминоти яхшиланади.

Қишлоқдошлари хизматларини ҳисобга олиб ва руҳини шод қилмоқ ниятида М. Ярлақабов номидаги уй-музей ташкил этди.

Яхшидан боғ қолади, деганлари шу бўлса керак. Ундан яхши ному эзгуликка йўғрилган ишлар қолдики, улар билан нафақат ўтган аср авлодлари, балки мустақиллигимизнинг ёшлари ҳам фахрланишади.

Шу билан бирга, Мамарайим акадан бири-биридан меҳрибон, аҳил фарзандлар қолди. Хозир улар орасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган набиралари ҳам бор.

Назар БОТИРОВ,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.

Таълим ва ислоҳот

Бугун республикамизда қад ростлаётган коллежлар нафақат касб-ҳунар масканларига, балки илм-фан, маънавият ва маърифат даргоҳларига айланмоқда. Хатирчи агроиқтисодиёт коллежи директори Жумақул Қурбоновдан ўқув юрти ҳақида сўраганимизда, барча жараёнлар чуқур мониторинг қилиб борилиши, таҳлиллар яхши самара бераётгани ҳақида гапирди.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Хатирчи агроиқтисодиёт коллежида буни кўриш мумкин

Услубчи Замира Маматова эса саволларимизга таҳлилий мулоҳазалар билан жавоб қайтарди. Далил ва рақамлар билан танишиш жараёнида излаган имкон топади, деган гап ёдимга тушди.

Бугунги кунда таълим масканида 861 нафар талаба таҳсил олмоқда. Рақамларга эътибор бериб, бухгалтерия ҳисоби, молия, банк иши, элетротехника йўналишларига талаб ўсиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Ёшларга илм-фан сирларини ўргатишда тажрибали педагогларнинг ҳам хизмати катта бўлаётир. Айниқса, халқ таълими аълочиси Мустафо Исмоилов, ижтимоий фанлар кафедраси мудири Ҳафиза Нурмуродова ҳамда Қодир Содиқов, Қаноат Султонова, Раъно Имомова сингари тажрибали мутахассисларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Коллеж ўқувчилари «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловида ҳам ҳар йили муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Бу йил талабалар жамоаси туман коллежлари орасида ғолиб деб топилиб, ўтказилган танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Ўқув масканида билим ва заковати, одобахлоқи билан тенгқурларига ўрнак бўлаётган ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Мансур Ҳасанов, Чамангул Ҳусанова, Ҳамида Каримова сингари аълочи, фаол талабалар тенгдошларига ибрат бўлаётир.

— Ўқув юртимизда маданий-маърифий тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади, — дейди коллеж директори Жумақул Қурбонов. — Вояга етмаган ёшлар ўртасида қонунбузарликларга қарши кураш, улар олдини олиш чора-тадбирлари белгиланган, шу асосда ёшларга ҳуқуқий ва маънавий сабоқлар бериб келинмоқда. Яқинда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини чуқурлаштириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Фахриддин Солиев ва сенатор Неъмат Файзиев билан учрашув ташкил этилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Катта ҳаётга эндигина қадам қўяётган йигит-қизларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлишлари учун педагоглар жамоаси дарсдан ташқари очиқ машғулотлар режасини ишлаб чиққан. Талаба ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли хил учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келинмоқда. Ёшларга тарихий-маданий меросимизни чуқур ўргатиш, уларнинг қалбида миллий анъаналар, қадриятларимизга меҳр уйғотиш йўлида ўқув-тарбиявий, тарғибот ишлари намунали олиб борилаётир.

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган тиббиёт хонасида талабалар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туришади. 12 та фан ва спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Талаба ёшларнинг бўш вақти асосан тўгарак машғулотларида ўтади.

Коллеж хотин-қизлар қўмитаси талаба қизларнинг фаоллигини оширишда муҳим тарбия ва тажриба мактаби бўлмоқда. Тумандаги фаол хотин-қизлар, раҳбар аёллар билан тез-тез суҳбатлар уюштириб турилади. Ўқув даргоҳи ҳудудининг ободонлиги ҳам доимий диққат-эътиборда. Жамоада соғлом муҳит яратиш мақсадида мунтазам равишда тест ва сўровлар ўтказилаётгани ҳам зиё маскани фаолияти такомиллашувида фойдали восита бўлаётир. "Ўқитувчи — ўқувчи нигоҳида" мавзуидаги сўровномалар ўқув-тарбия жараёнини янада самарали ташкил этишда қўл келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги барча ўқув даргоҳларидаги каби бу масканда ҳам ёшларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук бўлиб етишиши, илм-фан сирларини ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Коллежда ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти аъзоларининг ибратли ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Бошланғич ташкилот ташаббуси билан очилган «Эҳтиром боғи» кундан-кунга гуллаб-яшнамоқда. Фаол ёшлар иштирокидаги «Ёш посбонлар» гуруҳи эса маҳалла фаоллари ва профилактика нозирлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Уларнинг таклифи билан миллий истиқлол ғояси, оилада тиббий маданиятни юксалтириш ва бошқа мавзуларда маҳаллаларда тез-тез суҳбат ва семинарлар ўтказиб турилади.

Ўқитувчилар жамоасининг ҳаракати билан аудиториялар замонавий кўргазмали қуроллар билан безатилди. Коллежда фаолият кўрсатаётган консультатив гуруҳ туман халқ таълими бўлими, маҳалла ва мактаблар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, ёшларнинг қизиқишларига кўра касб-ҳунар танлашларига имкон яратиб бераётир.

Жамиятда ислоҳотлар ўз-ўзидан юз бермайди, албатта. Ҳар бир жамоа ташаббускор бўлса, жонкуярлик билан ишласа, ютуқлар ҳам, ўзгаришлар ҳам кўп бўлади. Хатирчи агроиқтисодиёт коллежи жамоасининг ибрати бунинг ёрқин исботидир.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Миллий тикланиш" мухбири.

МАҲСУЛОТЛАР СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР

Бухоро шаҳридаги «OFS» кичик корхонаси маҳсулотлари сифати, замонавий услубда тикилгани, энг муҳими, таннархи нисбатан арзонлиги билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Корхона 2002 йилда иш бошлаганди.

— Ўтган йилни 6 миллион сўм соф фойда билан якунладик, — дейди унинг раҳбари Олим Фозилов. — Корхона ташкил этилгач, 50 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди. Харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фирма ишини асосан костюм-шим тикишга мўлжаллаганмиз.

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Ўзлик — фазилат

Садоқатдан сўз очилса, кўнгил ёруғ туйғулардан мунаввар бўлади. Негаки, юртига, оиласига ва яқинларига содиқ қолиш мақсадида ҳаёт машаққатларини тоғдек бардоши билан енгган аёллар орамизда кўп.

САДОҚАТИ БИЛАН УЛУҒ

Қаҳрамон шоиримизнинг бир шеърида айтилганидек, ўн тўққиз ёшида бева қолса-да, бир умр ёрининг йўлига кўз тикиб ўтган аёллар садоқати ҳам таҳсинга лойиқ. Садоқат отлиғ буюк фазилатга ҳеч гард қўндирмай, уни авлоддан-авлодга олиб ўтаётган аёлларга кўнглимиз тўрида ҳайкал қўйсак ҳам озлик қилади.

Қадимдан қолган шундай ривоят бор. Аҳилу иноқликда ҳаёт кечираётган бир юрт тупроғига душман оралабди. Тирик жон борки, қиличдан ўтказилиб, макону масканлар кули кўкка совурилибди. Душман тўдаси тасодифан тирик қолган бир аёлни тутиб келтирибди. Саркардалар бошлиғи аёлга суқ билан тикилиб: "Сени ўлдирмайман, мен билан кетасан", — дебди. Шунда аёл: "Озгина фурсат беринг, сўнгги марта тоат-ибодат қилай", — деб зорланибди. Саркардадан рухсат олган аёл уйга кириб, эшикни беркитиб олибди. Сўнг кафтини дуога очиб, Аллоҳга илтижо қилиб: "Душман билан кетмайман, шаҳид кетган эрим, фарзандларим ва яқинларимга содиқ бўлиб шу тупроқда қолишим учун мени бир махлуққа айлантириб қўй!" — дебди. Кута-кута сабри тугаган саркарда эшикни зарб билан итариб ичкарига кирибди. Қарасаки, аёл йўқ эмиш. Уйнинг ўртасида битта илон кулча бўлиб ётган экан...

Ҳа, аёл садоқатини дунёдаги ҳеч бир нарса билан ўлчаб бўлмайди. Лекин, баъзан хиёнат кўчасига кириб ширингина оиласидан юз ўгирган, охир-оқибатда афсус-надомат чекаётган аёллар ҳақида ҳам эшитамиз. Начора, гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, яқинлари ишончини суистеъмол қилаётганлар ҳам учраб туради. Бундайлар боши деворга урилгандан кейингина катта хатога йўл қўйганликларини тушуниб етадилар.

Танишларимдан бири айтиб берган воқеа ёдимга тушиб кетди. Бир аёл ҳақида ишхонасида хунук миш-миш тарқалибди. Охири бу гап эрининг қулоғига бориб етади. Ўртада жанжал чиқади. Аёл узр сўраш ўрнига гўдагини олиб ота уйига жўнайди. Бирор ҳафтадан кейин эри уни олиб келгани боради. "Бўпти, хиёнатингни кечирдим, бундан кейин қада-мингни билиб бос, ахир ўртамизда фарзанд бор. Юр, уйга кетамиз", — дейди у. Қайнона куёвни қувиб соладди. "Сен ёш, чиройлисан, қадрингга етадиганлар тўлиб-тошиб ётибди ", — дейди қизига. Бундай сўзларни онасидан ҳар куни эшитаверган келинчакнинг оиласидан кўнгли совийди. Отасининг амалдор оғайниси совчи қўйганида розилик беради. Бир неча йил ўтиб, фарзанд кўришгач, ўгай ота онасига эргашиб келган ўғлини ёқтирмай қолади, уни онангникига жўнатиб юбор, дейди. Аёл бунга кўнмагач, жанжал авж олади. У ўғлини онасиникига жўнатишга мажбур бўлади. Қаранг, бир аёлнинг вафосизлиги оқибатида ота-она ва фарзаднинг тақдирлари бир-биридан айро тушади...

Шукрки, бундай аёллар кўп эмас. Аслида эса садоқат туйғуси бизга момоларимиздан мерос бўлиб ўтган. Неча асрларки, шу туйғуни азиз билиб яшаяпмиз. Ўзимиз эса садоқатимиз билан ҳамиша улуғланамиз, бахтимиз ҳам садоатимиз ҳам ана шунда. Юрт садоқати, оиламиз ва яқинларимизга содиқлик туйғуси бизни асло тарк этмасин. Бу туйғу асрлар оша боқий бўлиб қолаверсин, дегим келади.

Наргиза МУҲАММАДИЕВА,
Тошкент Молия институти талабаси.

Санъатимиз фидойилари

ИШИДАН ҚОНИҚИБ ЯШАШ ҲАМ БАХТ



Одам дунёга бир марта келади. У орзу-умидлар оғушида яшайди. Эзгу ниятлар билан келажак учун пойдевор қўяди. Фарзандлари тақдири, она-Ватан қайғуси ҳамишалиғ эш туйғулардир.

Лекин ҳаёт аталмиш маъво равиши ўзгача йўсинда кечади. Унда кутилмаган тўқнашувлар, зиддиятлар оқими, омад ва омадсизлик инсон руҳиятига бошқача таъсир ўтказиши мумкин. Фақат метин иродали, бурчга садоқатли, иймонли, муҳаббатли одамларгина бундай синовлардан ўта олишади.

Ҳаётда янглишиш бўлади. Аммо йўл қўйилган хатоликлардан тўғри хулоса чиқариш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун сабр, ибрат ва сабоқ намунаси керак. Театр саҳнаси ана шундай маънавият ўчоғи ҳисобланади. Табаррук даргоҳда қўйилаётган спектакль, драма, трагедия ва бошқа намойишларда инсонга хос ҳиссиётлар — ахлоқу адаб, урф-одатлар, феъл-атвор каби хусусиятлар қалқиб чиқадики, улар бизни доим фикрлашга ундайди. Ҳар бир асар ғояси ва мақсади муштарак фазилатга хизмат қилади. Инчунун, бунда театр режиссёрларининг маҳорати, иқтидори ва талабчанлиги муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, истеъдодли режиссёр Жўра Маҳмудов қарийб қирқ йилдан ортиқ умрини санъатга бахшида этди. Ўш, Самарқанд ва Сирдарё драма театрларини оёққа турғазишда, истеъдодли актёрларни кашф этишда ҳамда уларни элга танитишда тинмай меҳнат қилди. Жамиятдаги иллатларни йўқ қилишда, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтиришда театр саҳнасидан унумли фойдаланди. Натижада томошабинлар дилидан муқим ўрин эгаллади, шогирдларининг меҳр ва ҳурматига сазовор бўлди.

Меҳнати самарасидан қониқиб яшаш ҳам бахтдир, дейди халқимиз. Унга шундай толе насиб этди. Халқ дарди, одамлар ташвиши унинг чинакам дардига айланди. Устознинг ён дафтаридаги ушбу қайдлар биз — ёшлар учун дастуриламалдир: ҳар қанақа шароитда ҳам актёрларнинг қадр-қиммати ва шаън-шавкатини ерга урмаслик; машғулотлар жараёнида қаттиқ-қурум гап бўлиши мумкин. Аммо машқ тугагач, ҳамманинг олдида: "Дўстлар, бу гаплар иш устида бўлди. Кимнинг кўнглини ноўрин оғритиб қўйган бўлсам, узр сўрайман. Гап шу ерда қолсин", — деб айтиш шарт; машғулотлардан сўнг ҳамма билан хушмуомалада бўлиш; умуман кек сақламаслик керак; актёр ўз ролини билади, режиссёр эса ўзи саҳналаштирган барча ролларни билмоғи талаб қилинади.

Ҳа, ҳаётда зиддиятлар мураккаблиги мавжуд. Унинг инсон учун сабоқ бўладиган қирраларини аниқлаб олиш режиссёрнинг тажриба маҳоратига боғлиқ. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, устоз эришган ютуқлар замирида сермашаққат меҳнат ётибди. Биргина мисол: Ўш драма театрида бошқирд драматурги Илшод Юмангулов қаламига мансуб "Наргис" асарини саҳналаштираётганди. Ўшанда асар мазмунидан келиб чиққан ғояларни томошабинларга тўлақонли етказиш учун актёрлар билан образлар устида тинмай ишлади. Саҳна кўринишларига алоҳида эътибор берди.

Энг муҳими, муаллиф билан учрашиш учун бир неча бор Бошқирдистонга эринмай бориб келди. Ёки Самарқанд театридаги фаолиятини олиб кўрайлик. Ўша пайтда, яъни 1962 йилда бу қутлуғ даргоҳ деярли ёпилганди. Саҳна усталарини яна театрга жалб қилиш жуда машаққатли иш эди. Аммо Жўра Маҳмудов бунинг уддасидан чикди. Унинг раҳбарлигида меҳнат қилганлар — Зайнаб Содиқова, Рустам Мансуров, Кифоят Муслимова ҳамда Мусо Муқимовлар кейинчалик Ўзбекистон халқ артистлари, Бақо Тожиев эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига мушарраф бўлишди.

Устознинг фаолиятида ташкилотчилик хусусиятлари ҳам мақтовга арзигулик. Чунончи, Й. Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театридаги, шунингдек, Маданият вазирлигида бош мутахассис вазифаларидаги ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Ҳозир ҳам Жўра Маҳмудов қизғин иш жараёнида. Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида ёшларга режиссура фанидан сабоқ бераётир.

У киши айтганларидек, ҳаёт ўрганиш ва сабоқ олиш мактаби. Ундан яхши фазилатларни ўзлаштириб, саҳнада кўрсатиш, одамларни эзгуликка чорлаш биз ёшларнинг вазифамиздир. Бинобарин, устозимиз фаолияти барчамиз учун ибрат мактаби бўлиб қолади.

Жамшед ТОҒАЕВ,
Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти талабаси.

Жамият ва қонун

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳри саноатлашган бўлиб, турли халқ истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Бу гўшада кўп миллат вакилларидан иборат аҳоли истиқомат қилади.

ГИЁҲФУРУШ ҚЎЛГА ТУШДИ

Уларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳудудда турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва унинг олдини олиш, халқ осойишталиги, жамоат тартибини сақлаш учун шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари доимо хизматдалар.

— Истиқлол даврида ички ишлар тизимида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — дейди Янгийўл шаҳар ИИБ ШТБИГ катта инспектори майор Санжар Қўчқоров. — Бугунги кунда шаҳардаги 12 та маҳаллада профилактика инспекторлари фаолият кўрсатмоқдалар. Улар маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳалла посбонлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда фаолият олиб боришларини тўғри йўлга қўйилган.

Бугунги кунда гиёҳвандлик балосининг оғир оқибатлари борасида тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, айримлар мўмай даромад илинжида ёхуд унинг домига тушганлар ўз нафсларини қондириш учун наркотик моддаларни сақлаётгани ёки сотиб олаётганлари ачинарли ҳолдир.

Яқинда Янгийўл шаҳрида яшовчи 1971 йилда туғилган Абдурашид исмли йигит гиёҳванд моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилаётганидан хабар топган ички ишлар бўлими ходимлари тезкор чора-тадбир ишлаб чиқишди.

Соат кундузги тўртларда Абдурашид Самарқанд кўчасида жойлашган уйига келган "мижоз"га дераза орқали бир ўрамда оқиш кукунсимон моддани пуллайди. Унинг уйи ҳолислар иштирокида текширилганда, унга тегишли шимнинг ўнг чўнтагидан героин гиёҳвандлик моддасини қонунга хилоф равишда сотилган пул топилади ва бу ҳолат шу ерда расмийлаштирилади. Ўрамдаги модда эса кимёвий экспертизадан ўтказилганида оғирлиги 0,08 грамм героин эканлиги маълум бўлади.

Ҳозирда ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Тергов ҳаракатларида аниқланишича, Абдурашид илгари ҳам озодликдан маҳрум этилган бўлиб, муддатидан илгари озод этилган. Бироқ, у ўзига тегишли хулоса чиқариш ўрнига яна жиноятга қўл урган.

Энди эса қилмиши азобини яқинларидан йироқда тортадиган бўлди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи,
журналист,
Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ Матбуот маркази катта инспектори, капитан.

БОЛАНИНГ МЕҲРИ ЧЕКСИЗ

Болалигингизда ҳайвонот боғига борганмисиз? Ўша кунги таассуротларни бир эсланг. Орадан йиллар ўтди. Бугун фарзандларингизни ҳайвонот боғига сайрга олиб келдингиз.

Ҳайвонот боғидан ҳар ким хар хил таассурот билан қайтади. Болаликнинг ҳайратлари, нигоҳлари эса бошқача. Катталарни билмадигу болалар бу ерга келишса, қафасдаги жониворларга меҳр илинишади. Уларнинг олдида узоқ туриб қолишади. Сизни билмадиму қизалоғингиз нималарни ўйлаётгани биз учун жуда қизиқ.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

Тарих ва замон

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ СОЛНОМАСИДАН

Буюк ипак йўли қадим замонлардаёқ Осиё қитъасини кесиб ўтиб, Шарқни Ғарб мамлакатлари билан боғлаган. Натижада қитъалараро бу карвон йўли ўтган ҳудудда яшаган халқларнинг ўзаро мулоқот ва тижоратлари кенгайиб, иқтисодий ва маданий ҳаёти юксалди.

Бу савдо йўли узра янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди, ҳунармандчилик ривож топди. Илк ўрта асрларда халқаро савдо-сотиқни олиб борувчи ва уни бошқарувчи савдогарлар аҳли шуҳрат топди.

Ҳунармандчилик маҳсулотларини узоқ ўлкаларга элтувчи юзлаб туя карвонлари йўлларга тизилди. Бундай саҳро кемаларини бошқарувчи карвонбошилару туякашлар, хизматчилар гуруҳи ишга киришди. Минглаб чақиримга чўзилган, тоғ даралари оралаб қорли баланд довонлар, сувсиз бепоён дашту саҳроларни кесиб ўтган бу узоқ савдо йўллари бўйлаб қатор-қатор карвонлар, сайёҳу дарвешлар, турли мамлакат элчи-ю вакилларининг қатнови асрлар оша давом этган.

Агар биз Буюк ипак йўлининг тарихига бир назар ташлайдиган бўлсак, бу атама биринчи марта немис олими Ф. Рихтгофенинг 1877 йили чоп этилган «Хитой» асарида қўлланилган. Олимларнинг тахминича, милоддан аввалги 126-йил (Буюк ипак йўли ҳақидаги дастлабки маълумотлар шу санага оид) Буюк ипак йўли очилган сана ҳисобланади. Қадимги ипак йўли Тан сулоласи ҳукмронлигидаги Хитой давлатининг пойтахти Чань Янь шаҳридан бошланиб, Марказий Осиё орқали Венецияга қадар етган. Бу карвон йўлларидан энг нодир ва қимматбаҳо ипак матолари олиб борилгани боис у Ипак йўли деб ном олган. Европа ва Осиёда ўзбек, тожик, қирғиз, туркман савдогарлари умумлаштирилиб мусулмон савдогарлари деб аталган. Улар айни вақтда мусулмон маданиятини тарқатувчилар ҳам эди. Бу ҳақда академик В. Бартольд шундай деб ёзган эди: «Мўғул империяси ташкил топишининг ўзи кўп жиҳатдан Хитой ва Мўғулистон ўртасидаги савдо-сотиқни ўз қўлларида ушлаб турган мусулмон савдогарларининг фаолияти билан изоҳланади».

Умумий узунлиги 12 минг километрдан ортиқ бўлган Буюк ипак йўли жуда катта тарихий аҳамиятга эга эди. У Марказий Осиёни улкан халқаро бозорга айлантирди. Буюк ипак йўли Бағдод, Ҳамадон, Нишопур, Марв, Чоржўй, Бухоро, Самарқанд ва Жиззах бўйлаб, тоғ ён бағридаги Зомин орқали ҳам ўтган.

ЮНЕСКОнинг қарори билан «Буюк ипак йўли — халқларининг ўзаро алоқадорлик йўли» шиори остида Марказий Осиё ҳудудига мўлжалланган халқаро экспедициянинг ташкил этилиши бу қадим йўлларнинг аҳамияти нақадар катта эканлигини жаҳон миқёсида исботлади.

А.АКБАРОВ.

Эътироф

ГЕРМАНИЯДА «САМАРҚАНД ЭРТАКЛАРИ»

«Самарқанд эртаклари» номли тўплам немис китобхонлари томонидан завқ-шавқ билан ўқилмоқда. Бу қизиқарли асарнинг учинчи нашри ҳам германиялик эртаксеварларга яхши совға бўлди.

Гап шундаки, германиялик фольклоршунос олима ва адиба Габриеле Келлер илмий ишга манбалар тўплаш давомида Самарқанд вилоятидаги эртакчи боболар ва момолар айтган халқ оғзаки ижоди намуналаридан 30 дан ортиғини магнит тасмага ёзиб олган эди. Бу эртаклардан олтитаси жамланиб мўъжаз китобча ҳолида босмага тайёрланди ва «Самарқанд эртаклари» номи билан 2000 йилда Германиянинг Фрайбург шаҳрида чоп этилди.

Эртаклар олмоншунос олим Хуррам Раҳимов томонидан таржима қилинди. Изланувчан олим Х.Раҳимов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети инглиз тили факультети ҳузуридаги герман филологияси кафедрасининг ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Ҳозир у олмонча-ўзбекча, ўзбекча-олмонча таржималар назарияси ва амалиёти билан шуғулланиб келмоқда. Таржимон сифатида немис тилидан кўплаб эртак ва ҳикояларни ўзбек тилига ўгирди.



«Самарқанд эртаклари»нинг дастлабки нашри немис китобхонларида катта қизиқиш уйғотганлиги сабабли Интернетда махсус сайтга киритилди.

— Бу китоб 2002 йилда тўлдирилган ҳолда қайта чоп этилди, — дейди Х.Раҳимов. — Унга киритилган эртакларни ёзиб олиш давомида Габриеле хоним олган фотосуратлар махсус шарҳланган ҳолда каталог шаклида «Ўзбекистонда аёллар маданияти» номи билан инглиз, немис, француз ва ўзбек тилларида чоп этилди.

Ниҳоят, «Самарқанд эртаклари»нинг навбатдаги учинчи нашри ҳам юзага келди. Ундан жой олган эртакларнинг ёзиб олиниш тарихи, эртакчилар яшаётган замин ва замон ҳақида этнографик маълумотлар ушбу янги нашр қимматини янада оширди.

Таржима сифати ҳам эътиборни ўзига тортади. Ўзбек эртакларига хос бадиий хусусиятлар немис тилида бадиий ўзига хослик касб этди.

Ўзининг 2750 йиллик тўйига катта ҳозирлик кўраётган қадимий ва гўзал Самарқанд халқининг оғзаки ижодини намоён этган бу китоб Германиядаги «Майенштайн» нашриётининг шу қутлуғ санага муносиб армуғони бўлди.

Акбар АЛИЕВ.

Бридж — карта билан ўйналадиган ягона олимпия спорт турига кираркан.

Машҳур америкалик физиохимик Люис Гилберт Ньютон 30 мартадан зиёд Нобель мукофоти совриндорлигига номзод бўлган, аммо бирор марта ҳам бу мукофотни олиш унга насиб қилмаган экан.

БИЛАСИЗМИ?

Грузия Республикаси таркибидаги Абхазия Республикасининг номи абхазча «апсни» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўзбек тилида бу сўз «қалб ўлкаси» деган маънони билдирар-кан.

Австралия мамлакатини ҳеч иккиланмасдан акациялар ўлкаси деб аташ ҳам мумкин. Чунки бу дарахтнинг 500 дан ортиқ тури ушбу мамлакатда ўсаркан.

Беҳзод ҚОДИРОВ.

Ўзбек феъли

ЧЕГАЛАНГАН ЧОЙНАК

Болалигимизда қишлоғимизга синган чойнак-пиёлаларни чегалайдиган бир чол тез-тез келиб турарди. У қачон келса, уйимизнинг олдидаги катта ўрик тагига жойлашар, мен ҳар сафар чой дамлаб олиб чиқардим. Кечгача унинг ишларини томоша қилиб ўтирардим.

Синган чойнак-пиёлаларнинг қайтадан тикланиши мен учун мўъжизадек туюлаверарди. Бир куни уйимиздаги катта чойнагимиз синиб қолди. Уни ўша чол келганда олиб чиқдим. Қадоқлаб бердилару пул олмадилар. Ўша вақтларда нимагадир шу чойнакда чой ичсам сира тўймасдим.

Ким билсин, балки чегачининг чойнакни тиклашга кетган заҳматини ўз кўзларим билан кўрганим учун менга чойнакнинг чойи ширин туюлгандир. Ўша пайтларда бундай чойнак-пиёлаларда чой ичиш айб саналмасди. Ҳатто чойхоналарда ҳам қадоқланган чойнак-пиёлалар бемалол ишлатиларди.

Бугун бутунлай бошқача. Уйимизга келган меҳмонга бундай пиёлада чой беришни тасаввур ҳам қила олмаймиз. Балки, бу замоннинг тараққий этиб, турмушимиз фаровонлашиб бораётганидандир. Яна баъзилар мезбоннинг даврида меҳмонга қандай пиёлада чой бериш муҳим саналмаган. Уларнинг меҳмонни кутиб олишларидаги самимийликларини ҳеч нарса билан тенглаб бўлмайди.

Гоҳ-гоҳида ўша чегачи чол тушларимга киради. Оппоқ яктакда, ўригимиз тагида ўтириб синган идишларни қайтадан тиклайди. Негадир ўша қадоқчи чолни соғинаверараман, кўргим келаверади. Баъзан, бу ҳунар эгаларини бозорлардан излаб қоламан. Хўш, борди-ю бугунги кунда чегачилар бўлса, улар нима иш қилишган бўларди, деб ўзимга савол бераман. Уларми? Менимча... менимча улар энди синган идишларни эмас,

бемеҳрликдан дарз кетган айрим юракларни чегалаб юришармиди.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Жаҳон ҳафта ичида

ПИВОГА АЛДАНГАН ЎҒРИ



Reuters тарқатган хабарга кўра, мобил телефонларини ўғирлаш билан шуғулланадиган германиялик ўғри ўз ихтиёри билан полиция идорасига келган. Полициячилар томонидан ваъда қилинган текин пиво чўнтаккесарни шу йўлга бошлаган.

Агентликнинг маълумотида қайд этилишича, Нойштрелиц шаҳри полицияси офицерларидан бири ўғирланган телефон рақамига қўнғироқ қилган ва ўғрига бир яшик пиво ютиб олганлигини маълум қилган. Ёлғонга лаққа тушган ўғри эса ўзининг турар жойини тўлиғича айтиб берган. Назаримизда, ўғри энди анча вақтгача ўзининг соддалигидан афсус чекиб юрса керак.

ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ҚАРИЯ

Британиянинг Болтон шаҳрида 83 ёшли пенсионер Жорж Гринхолл устидан суд бошланди. Унга қадимги ёдгорликларни сохталаштириш айби қўйилмоқда. Маълумотларга кўра, қария қадимги Миср ёдгорликларини усталик билан сохталаштирган ва Болтон шаҳри маъмуриятига 400 минг фунт-стерлинг (800 минг доллар)га пуллашга ҳам улгурган.



У билан биргаликда 82 ёшли рафиқаси ҳамда 52 ва 46 ёшли ўғилларининг ҳам қора курсига ўтиришига тўғри келади, дейди The Telegraph.

Болтон маликаси деб номланаётган ушбу сохта санъат асари 50 см. бўлиб, ганчдан ясалган аёл ҳайкалчаси саналади. Унинг сохталигини аниқлагунларига қадар эрамиздан аввалги XIV асрга тегишли, деб тахмин қилишаётган эди. Айтишларича, у фиръавн Эхнатон ва малика Нефертитининг қизларидан бирини ифодалар экан. Амарн маликаси бюстининг аналоглари Лувр ва Филадельфия музейларида сақланади, холос.

Ҳайкалчанинг сохталиги ҳақидаги илк шубҳалар Британия музейига худди шунга ўхшаш яна бир ҳайкалча келиб тушганлигидан сўнг пайдо бўлди. Текширишлар Жорж Гринхоллнинг уйида ҳайкалтарошлик устахонаси мавжуд эканлигини исботлади.

95 ЁШЛИ БИТИРУВЧИ

Associated Press Канзас штати фуқароси, 95 ёшли Нола Охсни дунёдаги энг кекса битирувчи, деб эълон қилди. 95 ёшли аёлнинг натижаси Гиннесда қайд қилинган олдинги рекорд — 90 ёшли Мозель Ричардсоннинг натижасидан ўзиб кетди.

Нола Охснинг сўзларига кўра, у 1972 йилда турмуш ўртоғи Вермоннинг вафотидан сўнг ўқишни давом эттиришга қарор қилган. Сўнгги 25 йил давомида у коллеж дастуридан ўрин олган турли курсларга мунтазам қатнашиб турган. Айни кунда эса тарихга йўналтирилган умумий таълим дипломидан уни сўнгги 30 соатлик курс ажратиб турибди, холос.

Нола буви учун у билан биргаликда 21 ёшли набираси Александра Охснинг ҳам диплом олаётганлиги, айниқса, қувонарлидир. Дарвоқе, унинг фарзандлари ва набиралари бувининг коллежда яна бир нечта курсларда иштирок этишига мойиллик билдирмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Сиз бунга нима дейсиз?

Автобусдаги «таниш»

Одатдагидек эрта тонгда ишга отландим. Бекатга энди яқинлашган ҳам эдимки, автобус келиб қолди. Унда одам унчалик кўп эмас, чиптачи аёл эса бекатдан чиққан йўловчилар олдига бориб йўл ҳақини тўлашга ундарди. Шу пайт унинг бақирган овози эшитилди.

— Пулинг бўлмаса тушиб кет, нима қиласан автобусга чиқиб. Ёш бўлсанг, пиёда кетавер.

Ҳамма овоз чиққан томонга қаради. Чиптачи олдида бир қиз қўрқиб турарди.

— Кейинги сафар берақолай, бугун пулим йўқ эди, илтимос, кеннойи, — деди қизалоқ кўзига ёш олиб, секингина.

— Кейинги сафар автобусга чиқишдан олдин чўнтагингни кавлаб кўргин, билдингми? — деди чиптачи заҳархандалик билан.

У жаҳл билан нари кетди. Бироз вақт ўтмай орқа томондан аёлнинг хушчақчақ овози эшитилди.

— Ассалому алайкум, Шамсиддинжон яхшимисиз ука, уйдагилар тинчми? Ҳа, раҳмат, юрибмиз ишлаб. Йўқ, йўқ қўяверинг, одамни уялтирмасангизчи, сиздан пул ололмайман. Кейинги сафар.

Ҳамма орқа томонга ўгирилиб қаради. Ёш йигит хижолат бўлганча пулини чўнтагига солди.

— Доим шундай қиласиз, кеннойи.

Ҳар ер-ҳар ердан пичир-пичирлар эшитилди. Ёш йигит хижолат бўлганча кейинги бекатда тушиб қолди. Аммо, автобусда ўтирган ёши катталар чиптачининг қилган ишини муҳокама қила бошлашди. Кимдир у ҳақ деса, кимдир ноҳақ деди. Охири, танишбилишчилик-да, дея ўзларини тинчлантирган бўлишди. Бироз вақт ўтиб бу воқеа ёддан ҳам чиқди. Сабаби навбатдаги бақир-чақир бошланганди.

Бироқ эрталабдан кимнингдир дили хира бўлгани, кимнингдир хижолат чекани қолди...

ФАЙЗИБОНУ.

«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.
Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.
Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси
MILLIY TIKLANISH
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти 20.00 Нашр кўрсаткичи — 158
Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 423. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1934 Сотувда эркин нархда
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
1 2 3 4 5
Босишга топширилди 20.00